

**Мавзу: Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни
ривожлантириш**

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....

**1-БОБ. КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ЖАДАЛ
РИВОЖЛАНТИРИШ – МАМЛАКАТИМИЗДА ИҚТИСОДИЙ
ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ.....**

**1.1. Кичик бизнес ва тадбиркорлик тушунчасининг мазмуни ва унинг
шакллари.....**

**1.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг
мамлакат иқтисодиётида туган ўрни ҳамда уларни молиявий қўллаб-
қувватлаш.....**

**2-БОБ. РЕСПУБЛИКАМИЗДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ
ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
БАНКЛАР ВА КРЕДИТНИНГ АҲАМИЯТИ ҲАМДА УЛАРНИ
ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМДА ЎҚИТИЛИШИ.....**

**2.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий
таъминлашда банкларнинг роли.....**

**2.2. Умумтаълим мактабларида бизнес, тадбиркорлик ва кредитга оид
мавзуларнинг ўқитилиши ва намунавий дарс ишланмалари.....**

ХУЛОСА.....

ИЛОВАЛАР.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

КИРИШ

Мамлакатимиз инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари юксак кадрият бўлган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамият барпо этиш йўлидан изчил ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётимизнинг турли соҳа ва тармоқлари ўртасидаги мутаносибликнинг кучайиши ҳамда барқарор ўсиш суръатларининг таъминланиши натижасида аҳоли даромадлари, турмуш даражасининг сезиларли равишда ошиши эртанги кунга бўлган ишончимизнинг тобора мустаҳкамланиб боришига замин яратмоқда.

Юртимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида кўлга киритилаётган юксак натижалар, энг аввало, янгидан-янги замонавий тармоқ ва ишлаб чиқариш қувватларининг йўлга қўйилиши, бунинг таъсирида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг сезиларли даражада ортиб бораётгани, яратилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизмат турларининг кўпайиб, сифатининг тубдан яхшиланиб бориши, бир сўз билан айтганда, иқтисодиётимизнинг янгича мазмун ва моҳият касб этиб боришида мустақил тараққиёт йўлининг тўғри танлангани, амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат стратегиясининг ҳар томонлама пухта асосланган ҳамда халқимизнинг фидокорона меҳнати энг муҳим ва асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу омилларнинг ягона мақсад – юрт тинчлиги ва равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида жамиятимизнинг доимо ҳамжиҳат бўлиб келаётгани ўта мураккаб мустақил тараққиёт йўлини босиб ўтишда нақадар оғир синовлардан муваффақиятли ўтишга имкон яратди. Биргина мисол, 2008 йилда бошланган, бугунги кунга қадар салбий таъсир ва оқибатлари сақланиб қолаётган, кейинги йилларда ривожланган мамлакатларда ўзининг янги “хуружи”ни намоён этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози нафақат айрим мамлакатлар, балки дунёнинг деярли барча қитъаларида иқтисодий сиёсатнинг заиф жиҳатларини, айниқса, банк-молия тизимининг “мўрт” бўғинларини ошкор этиб қўйди. Ана шундай мураккаб бир шароитда мамлакатимиз иқтисодиёти, бизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт моделimiz яна бир бор ҳаёт синовидан муваффақиятли ўтиб, ўзини тўла оқлагани ҳар қандай эътироф ва эътиборга муносибдир.

Иқтисодиётни бошқаришнинг жаҳон амалиётида синовдан ўтган, ўз ўрни ва улкан тажрибага эга бўлган усулларидан бири бозор иқтисодиёти ҳисобланади. Ушбу тажрибанинг ўз навбатида керакли кўп асрлик тараққиёт тарихи ва шаклланган тизим ҳолига келган шакли борки, бу илм асосларини, тажрибаларини, натижаларини билмай туриб, бозор шароитида иқтисодиётни юксалтириш мумкин эмас.

Бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиётда эришган ютуқлари асоси бозор иқтисодиёти, мулк шаклларининг такомиллашуви, иқтисодиётдаги кескин тузилмавий ўзгаришлар, кичик

бизнес ва ҳусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ортиб бориши кабилар билан баҳоланмоқда.

Республикада бозор иқтисодиётига ўтиш инсон манфаатлари талабларига жавоб беради. Бунинг асосий мақсади иқтисодиётнинг ижтимоий йўналишини кучайтириш, ишлаб чиқаришни истеъмолчилар талаблари асосида ташкил этиш ҳамда фуқаролар эркинлигига кенг йўл очиб бериш, уларнинг мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиши, юқори унум, ташаббускорлик ва ташкилотчилик асосида тадбиркорлик фаолияти олиб боришни таъминлашдир.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини мустахкамлаш, ҳар томонлама ривожлантириб бориш, иқтисодиёт фанини мукамал эгаллаш, унинг сир-асрорларини пухта ўрганишни талаб этмоқда. Хусусан, бозор муносабатларига ўтишни тезлаштирувчи энг асосий йўллардан бири бу кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тадбиркорликни ривожлантиришга, уни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, ҳусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш, уни рағбатлантиришга бағишланган бир қанча қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори ҳисобланган баркамол авлодни етиштиришни тақозо этади. **«Маънавий жиҳатдан мукамал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади»** - деган эди Президентимиз И.Каримов.

Ўзбекистонда тадбиркорликни қўллаб-қувватланиши рақобатчиликни ривожланишига истеъмол бозорини товарлар ва хизмат ишлари билан тўлдиришга янги иш жойларини яратиш, катта миқдордаги мулк эгалари ва тадбиркорларни шаклланишига хизмат қилувчи Республикада ўтказилаётган иқтисодий ислохатларнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Тадбиркорликни қўллаб қувватланиши нафақат иқтисодиётни муттасил ривожланиши, ҳўжалик алоқаларини тузатиш, рақобатни ривожлантириш ва истеъмол бозорини тўлдириш билан боғлиқ бўлган иқтисодий мақсадларни таъминлаши зарур. Булардан ташқари давлат иқтисодий сиёсий вазифаларни хал этиши, республиканинг барча ҳудудларида сиёсий мўътадилликни мустахкамлаши, тадбиркорлик фаолиятига тегишли бўлган ижобий ижтимоий муносабатларни шакллантириши, унга аҳолининг актив қисмини жалб этиши, ишсизликни, инфляция ва бошқа негатив салбий ижтимоий ҳолатларни олдини олиши лозим.

Булардан кўриниб турибдики кичик бизнес ва тадбиркорлик мавзусини ўрганилиши давр талабининг тақозоси, бозор муносабатларига ўтишнинг объектив заруриятдан келиб чиққан. Шу туфайли бу мавзунинг ўқиш, ўрганиш ёшларимизни, талабаларни ва шундай фаолият тури билан шуғуланувчиларни билимини оширади, тўлдиради, уларнинг тадбиркорлик

соҳасидаги қобилияти, ташаббуси ва фойдали хатти - ҳаракатларини оширади. Демак, Битирув Малакавий Ишнинг мақсади - замонавий бизнес йўналишларини таҳлил қилиш, ўрганиш, унинг ривожини таъминлаш йўллари, айниқса кичик бизнесни ривожлантиришда кредитнинг роли ва аҳамиятини ёритиш ва унга таалукли бўлган назарий билимлар, бизнес соҳасида қўлга киритилган тажриба ва ютуқлар билан танишиш, уларни ўрганиш ҳисобланади.

1-БОБ. КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ – МАМЛАКАТИМИЗДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

1.1. Кичик бизнес ва тадбиркорлик тушунчасининг мазмуни ва унинг шакллари

Маълумки, бозор иқтисодиёти мулкчилиқни турли шаклларига асосланган тизимдан иборат бўлиб, у рақобатли иқтисодий муносабатлар мажмуасидир. Рақобатда корхона ва фирмалар иштирок этади. худди шунингдек рақобатда тадбиркорлар ҳам иштирок этади. тадбиркорлик фаолияти ўз мулки ҳисобидан даромад олади. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолияти иқтисодий ресурслар ҳисобланиб, инсон ресурсларининг таркибий қисмини ташкил қилади. Биз ушбу бобда тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти, мақсади ва унинг турли шаклларда номоён бўлишини тушунтираемиз, шунинг билан бирга тадбиркорлик капитали ва унинг ҳаракат қилиш босқичлари ва ундаги жараёнларни кўриб ўтаемиз.

Тадбиркорлик фаолияти жуда узоқ даврларни ўз ичига олади ва иқтисодий фаолиятнинг таркибий қисмидир. Тадбиркорликнинг асосий тушунчаси XVIII асрда пайдо бўлган ва “Мулкдор” тушунчасини билдиради.

Ғарб адабиётларида тадбиркорлик тушунчасига - фойда олиш, даромад топиш мақсадида хўжалиқ юритиш санъати, ижодкорлик, ташаббуснинг эркин номоён бўлиши, новаторлик, хавф-хатарга нисбатан тайёр бўлиш деб қаралади.

“Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари туғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида таърифланишича, тадбиркорлик (тадбиркорлик фаолияти) юридик ва жисмоний шахслар томонидан мулкий масъулият остида, мавжуд қонунлар доирасида, даромад (фойда) олиш мақсадида, таҳлика билан амалга ошириладиган иқтисодий фаолиятдир.

Тадбиркорлик инсонга хос бўлган меҳнат бўлиб, фойда олишга йуналтирилган фаолиятдир.

Тадбиркорлик қилиш учун мулк эгаси бўлиши шарт эмас. Бу дегани қобилияти бўлган, ақл-заковатли инсон бировларни мулкани ижарага олиб фаолият кўрсатиши мумкин ёки ссуда олиб иш юритиши мумкин.

Тадбиркор иш бошлашдан аввал бозордаги талабни ўрганади, ишлаб чиқаришда ресурсларни ва ишчи кучини бирлаштиради.

1. Тадбиркор ишлаб чиқариш жараёнида ер, сув, капитал ва меҳнат ресурсларини бирлаштиради, мақсад товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш орқали фойда олишдир.
2. Тадбиркор бизнесни юритиш, фойдани кўпайтириш мақсадида қарорлар қабул қилади.

3. Тадбиркор - юкори фойда изидан янги ишлаб чиқаришни жорий қилади.

4. Тадбиркор - бу таҳликага борувчи фаолиятдир.

Тадабиркорлик фаолияти ривожланишининг шарт-шароитлари қуйидагилардан иборат бўлади:

Биринчидан, хўжалик юритишнинг бирон-бир турини танлаш, ишлаб чиқаришни амалга ошириш, уни ўзгаришларга мослаштириш, маблағларни танлаш, ресурс топиш, маҳсулот сотиш, уларга баҳо белгилаш, фойдани тасарруф қилиш бўйича маълум ҳуқуқ ва эркинликлар мавжуд бўлиши керак.

Иккинчидан, тадабиркор ишлаб чиқариш воситаларига, ишлаб чиқарилган маҳсулот ва олинган даромадга мулкчилик ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Учинчидан, хўжалик юритиш йўлини эркин танлаш, даромадни инвестициялаш муҳитини яратиш лозим.

Тўртинчидан, эркин тадабиркорлик, мулкчилик ва ўзлаштиришнинг турли туман шакллари ва турини тақозо қилади.

Тадабиркор етарли даражада молиявий манбаларга, маълумотга, малакага эга бўлиши керак, солиқ имтиёзлари берилиши керак.

Тадабиркорликнинг қуйидаги шакллари мавжуд: давлат, жамоа, шахсий, хусусий, аралаш ва бошқа шакллари кўрсатиш мумкин.

Кўпчилик мамлакатларда яратилаётган миллий даромаднинг 20 фоизидан 50фоизигачаси давлатлар улушига тўғри келади.

Давлат корхоналарини урта гуруҳга бўлиш мумкин:

- бюджет корхоналари;
- давлат ишлаб чиқариш корхоналари;
- аралаш компаниялар:

Хўжалик мустақиллигига эга бўлмаган корхоналар бюджет корхоналарини ташкил этади. Улар давлатнинг маъмурий бошқариш тизимига киради ва бирон-бир вазирлик, маҳкама ёки маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига бевосита бўйсинади, улар олган фойдадан солиқ тўламайди. Барча даромад ва харажатлар давлат бюджет орқали ўтади.

Давлат ишлаб чиқариш корхоналари - улар мол-мулкка эга бўлиб, хўжалик фаолияти билан бирга давлат томонидан белгиланган доирада бошқариш ва тартибга солиш вазифаларини ҳам бажаради.

Аралаш компаниялар - улар ҳиссадорлик жамиятлари ва мажбуриятлари чекланган ширкатлар шаклида ташкил қилинади. Акциялари давлатга ва хусусий омонатчиларга таалукли бўлади.

Кооператив тадабиркорлик - жамоа тадабиркорлигининг алоҳида шаклидир. У жамоа мулкига асосланади. Аъзолар меҳнатига асосланади. Бу қуйидаги белгиларга эгадир: Ишловчиларнинг ишлаб чиқариш воситалари билан бевосита қўшилиши (хусусий мулкчиликда қўшилишда мулкдор, давлат мулкчилигида эса давлат воситачи ҳисобланади).

Кооператив аъзоларининг ишлаб чиқариш воситаларидан кенг фойдалана олиши, уларнинг ибтидоий жихатидан тенг ҳуқуқлилиги,

жамоанинг ўз-ўзини бошқаришни амалга ошириши; жамоа ва шахсий манфаатларнинг уйғунлиги юзага келиши.

Хусусий тадбиркорлик - алоҳида шахс ёки корхона томонидан ташкил этилади мулк ва ишлаб чиқариш натижалари хусусий шаклларига тегишлидир, ишлаб чиқаришда ёлланма меҳнат кўлланилади. Республикада 2001 йилда 63 минг корхоналар хусусий тадбиркорлик билан шуғулландилар. Ялпи ички маҳсулотнинг 56-60%ини ташкил этди, меҳнат билан банд бўлган аҳолини 60-70%и шу корхоналарда хизмат қилди.

Ҳозирча республикада хусусий секторнинг улуши ялпи ички маҳсулотда 35% ни аҳолининг иш билан таъминлашда эса 30%ини ташкил қилади. (миллий истиклол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т. “Янги аср авлоди” 2001 йил)

Шахсий тадбиркорлик - шахсий мулкка асосланади, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ўзи ёки оила аъзолари меҳнат асосида амалга ошириладиган фаолиятидир, даромад солиғи тўлайди. Бу фаолият одатда кичик магазин хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналар, деҳқон хўжаликлари ҳамда ҳуқуқшунос ва хоказолар. Тадбиркорликнинг ташкилий-иқтисодий шаклларида куйидагидларни курсатиш мумкин.

Картел - бир тармоқ тадбиркорлари ўртасидаги нархлар маҳсулот сотиш бозорлари ишлаб чиқариш хажмида уларни улушлари бўйича узаро келишиб оладилар.

Синдикат - бир тармоқ тадбиркорлари томонидан ортиқча рақобатни бартараф қилиш, барқарор фойда олиш мақсадида маҳсулот сотишнинг бирлаштирилиши.

Консорциум - тадбиркорларнинг йирик молиявий операцияларини (бартараф қилиш) биргаликда амалга ошириш мақсадида бирлашуви (масалан, йирик хажмидаги лойиҳаларни жуда катта миқдорда ва узок муддатли кредит бериш ёки инвестициялар қўйиш).

Концерн - қатнашиш тизими орқали корхоналарни назорат қилувчи кўп тармоқли ҳиссадорлик жамиятидир. Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг муҳим шаклларида бири ҳиссадорлик (акционерлик) жамиятларидир.

Бу жамиятда кишилар ўзларининг меҳнатини, меҳнат куроллари ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари ҳамда пул ресурсларини (капиталлари) бирлаштиради.

Акция- бу унинг эгаси ҳиссадорлик жамияти капиталига ўзининг маълум ҳиссасини қўшганлигига ва унинг фойдасидан дивидент шаклида даромад олиш ҳуқуқи борлигига гувоҳлик берувчи қимматли қоғоздир.

Акция курси. Акциялар махсус товар сифатида сотилади ва сотиб олинади. Шу сабабли баҳога эга. Акцияда ифодаланган пул суммаси унинг номинал қиймати дейилади, акция бозорида сотиладиган баҳо акция курси дейилади.

Акция курси қуйидагича аникланади:

$$\text{Акция курси} = \frac{\text{дивидент}}{\text{ссуда \%}} \times 100 \%$$

Демак, акция курси олинадиган дивидент микдорига тўғри пропорционал фоиз микдорига эса тескари пропорционалликда бўлади.

Облигация – унинг эгаси жамиятига қайд қилинадиган фоиз олиш шарти билан пул қўйилганлигини тасдиқлайди.

Таъсисчилик фойдаси - ҳиссадорлик жамиятининг ташкил топиши таъсисчилик фойдаси каби даромад турининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Таъсисчилик фойдаси сотилган акциялар суммаси ва ҳиссадорлик корхонасига ҳақиқатда қўйилган маблғ микдори ўртасидаги фаркдан иборат.

Дивидент - ҳиссадорлик корхонасида таъсисчилик фойдаси билан бир каторда дивидент каби даромад тури шаклланди. Дивидент (лотинча *dividendys*-бўлишга тегишли) - акция эгасига тўланадиган даромад.

Республикада корхоналарни акционерлаштиришнинг иккита йуналиши таркиб топди. Биринчи йуналишда ўзининг ҳукукий мақоми ўзгартирмайдиган, давлат мулки бўлиб қоладиган корхоналар, иккинчи йуналишда ўзининг ҳукукий статусини ўзгартириб тўлиқ ҳиссадорлик жамиятига айланган корхоналар акция чиқаради.

Ҳиссадорлик жамиятларни ривожлантиришнинг асосий йуналиши давлат мулкчилигидаги йирик ва ўрта корхоналарни кенг кўламда ҳиссадорликка ўтказиш улар негизида очик ҳиссадорлик жамиятларини тузиш лозим.

Биламизки, гарчан тадбиркорлик ишлари билан шуғулланиш учун мулк ва мулкый муносабатларга эга бўлиши шарт бўлмасада, умумий ҳолда тадбиркор мулкка ва молиявий имкониятларга эга бўлса иш юритиш учун имконият яратилган бўлади.

Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдир.

Хўш, «тадбиркор», «тадбиркорлик» тушунчалари қандай мазмунга эга ва нимани англатади?

Бу тушунчаларни ҳозирги маъносида биринчи бўлиб XVII аср охири ва XVIII аср бошларида инглиз иқтисодчиси Ричард Кантилон қўллаган эди. Унинг фикрича, тадбиркор таваккалчилик шароитида фаолият кўрсатувчи кишидир. Шу боисдан у ер ва меҳнат омилини иқтисодий фаровонликни белгилаб берувчи бойлик манбаи деб билган. Кейинчалик, XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошида машҳур француз иқтисодчиси Ж.Б.Сей (1767-1832) «Сиёсий иқтисод рисоласи» китобида (1803й.) тадбиркорлик фаолиятини ишлаб чиқаришнинг уч мумтоз омиллари – ер, капитал, меҳнатнинг яхлитлиги деб таърифлаган эди.

У Англия саноатининг муваффақиятини «инглиз тадбиркорлари истеъдоди» таъминлаганлигини таъкидлаган эди. Ж.Б. Сейнинг асосий тезисида маҳсулот ишлаб чиқаришда тадбиркорлар асосий фаолият кўрсатади дейилади. Ж.Б.Сейнинг фикрича, тадбиркор олган даромад унинг меҳнати, ишлаб чиқаришни ташкил этганлиги, маҳсулотни ўз вақтида сотганлиги учун берилган мукофотдир. Тадбиркор таваккал қилиб, бирор-бир маҳсулотни ишлаб чиқаришни ўз бўйнига олади.

Қайд этиш лозимки, иқтисодиёт фанининг асосчилари тадбиркорлик шаклига кам эътибор берганлар. Тадбиркорлик фаолияти уларнинг илмий-тадқиқот ишларининг таҳлил объекти бўлмаган. Инглиз иқтисодчи олимлари А. Смит (1723-1790) ва Д.Рикардо (1772-1823) иқтисодиётни ўз-ўзини мувофиқлаштирувчи механизм деб қабул қилганлар. Ушбу механизмда ижодий тадбиркорликка ўрин йўқ эди. «Халқлар бойликларининг моҳияти ва сабабларини тадқиқ этиш» (1776й.) китобида А.Смит тадбиркор таърифига алоҳида эътибор берган эди. А.Смит фикрича, тадбиркор – капитал эгаси. У муайян тижорат ғоясини амалга ошириб, даромад олиш учун таваккалчилик билан иш бошлайди, чунки капитални бирор-бир ишга сарфлаш доимо таваккалчилик билан боғлиқдир. Тадбиркорликдан олинган даромад, А.Смит фикрича, шахсий таваккалчилик учун олинган мукофот. Тадбиркор ишлаб чиқаришни ўзи режалаштиради, ташкил этади, ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига эгалик қилади. Бу ишлар, ўз навбатида, бозор тизими билан боғлиқ. Шу боис А.Смит бизларни бозор тизимининг марказий механизми – рақобат механизми билан таништиради. Ўз манфаатини кўзлаб юрган ҳар бир киши бозорда шу мақсад билан юрган кишиларга дуч келади. Натижада, бозордаги ҳар бир ҳаракат қилувчи субъект рақобатчи таклиф қилган нархларга рози бўлади. Бундай рақобатда ўхшаш товарларга меъёрдан ортиқ нарх қўйган ишлаб чиқарувчи харидорни йўқотиши ҳеч гап эмас.

А.Смитнинг қайд қилишича, бозор жамият сотиб олишни хоҳлаган ва керакли миқдордаги товарларни ишлаб чиқаради. Шу билан бирга, А.Смит бозорнинг қудратли куч эканлигини, у жамиятни керак бўлган товарлар билан доимо таъминлашини ва бу тизим ўз-ўзини мувофиқлаштиришини кўрсатиб берди. Унинг фикрича, ўз-ўзига қўйиб берилган бозор тизими ривожланади ва бундай тизими бор халқнинг бойлиги ортаверади.

XIX-XX асрлар чегараларида тадбиркорлик институтининг аҳамияти ва ролини кўпчилик англай бошлади. Француз иқтисодчиси Андре Маршалл (1907-1968 йй.) биринчи бўлиб ишлаб чиқаришнинг учта омилига (ер, капитал, меҳнат) тўртинчи омил – ташкиллаштириш омилини қўшди. Шу вақтдан бошлаб тадбиркорлик тушунчаси ва шу соҳада олиб бориладиган ишлар кўлами кенгайиб бормоқда.

Америкалик иқтисодчи Ж.Б.Кларк (1847-1938) Ж.Б.Сейнинг «учлик формуласига» бир оз ўзгартириш киритди. Унинг фикрича, ишлаб чиқаришда доим тўрт омил иштирок этади:

- 1) капитал;

- 2) ишлаб чиқариш воситалари ва ер;
- 3) тадбиркорлик фаолияти;
- 4) ишчининг меҳнати.

Ҳар бир омил ишлаб чиқаришдан олинаётган ўзига хос фойдани акс эттиради: капиталдан капиталист қўшимча фоиз олади; ер рента беради; капиталистнинг ишбилармонлик фаолияти даромад келтиради; ишчининг меҳнати уни маош билан таъминлайди. Бошқача қилиб, Ж.Б.Кларк сўзи билан айтганда: «Эркин рақобат меҳнатга меҳнатдан келган нарсани беради, капиталистларга капитал яратган нарса тегади, тадбиркорлар мувофиқлаштириш фаолиятидан келган нарсани олади»¹. Тадбиркорлик фаолиятини у ана шундай тушунган.

Машҳур америкалик иқтисодчи Й. Шумпетер (1883-1950) ўзининг «Иқтисодий ривожланиш назарияси»² китобида, тадбиркорни новатор (янгилик бунёд қилувчи одам) деб таърифлаган. Олим тадбир-корлик фаолиятини капиталистик иқтисодиётнинг ривожланишида, иқтисодий ўсишни таъминлашда катта рол ўйнайдиган янгиликларни жорий этишдан иборат, деб билади: «Функцияси янги комбинация-ларни жорий этишдан иборат бўлган хўжалик субъектларини биз тадбиркор деб атаймиз». Ушбу муаммога иқтисодиёт соҳасида Нобел мукофотига сазовор бўлган (1974) инглиз иқтисодчиси Фридрих Фон Хайн (1899-1984) бошқача ёндашган. Унинг фикрича, тадбиркорлик фаолият бўлмасдан, балки янги иқтисодий имкониятларни излаб топиш, ҳатти-ҳаракатларни таъминлашдир.³ Олим тадбиркорликни фаолият эмас, деб талқин этади.

На хорижда, на бизда ҳали тадбиркорликнинг умум томонидан эътироф қилинган таърифи мавжуд эмас. Америкалик олим Р.Хизрич, «Тадбиркорлик ўз қийматига эга бўлган қандайдир янги нарсани яратиш жараёни, тадбиркор эса бунинг учун барча зарур вақти ва кунини сарфлайдиган, барча молиявий, психологик ва ижтимоий хавф-хатарни ўзига олиб, эвазига мукофот сифатида пул ва эришилган ютуғидан қаноатланувчи шахс»⁴, - деб таъкидлайди.

Инглиз профессори А.Хоскин эса «ишни ўз ҳисобидан олиб борувчи, бизнесни бошқариш билан шахсан шуғулланувчи ва керакли воситалар билан таъминланиш учун шахсий жавобгарликка эга, қарорни мустақил қабул қилувчи шахс яқка тартибдаги тадбиркор бўлади»⁵, - деб изоҳлайди.

Бугунги кунда тадбиркорлик назариясини ривожлантиришнинг тўртта босқичи мавжуд.

XVIII асрдаёқ вужудга келган биринчи босқич – тадбиркорлик хавф-хатарини ўзига олиш, бошқача қилиб айтганда, таваккалчилик билан боғлиқ.

¹ Ж.Б. Кларк. Распределение богатства. М., 1994. 40-бет

² Й. Шумпетер. Теория экономического развития. М., 1982.

³ Ф.Хайн. Конкуренция как процедура открытия. «Мировая экономика и международные отношения» журналы, 1989. 12-сон.

⁴ Р. Хизрич., С. Питерс. Предпринимательство. М., 1991, 20-бет.

⁵ А.Хоскин. Курс предпринимательства. М., 1993, 23-бет.

Тадбиркорликнинг иккинчи босқичи эса инновация жараёни билан боғлиқдир.

Америкалик иқтисодчи олим Й.Шумпетернинг фикрига кўра, тадбиркорликнинг новаторлик характери қуйидагиларда акс эттирилади:

- бозор учун янги товар ишлаб чиқариш;
- ишлаб чиқариш жараёнига янги технологияларни татбиқ этиш;
- янги сотиш бозорларини ўзлаштириш;
- хом ашёнинг янги турлари ва манбаларини топиш.

Тадбиркорликни вужудга келишининг учинчи босқичи тадбиркорликнинг алоҳида шахсий сифатлари: иқтисодий ва ижтимоий вазиятнинг ўзгаришида тўғри йўл топа билиш қобилияти, бошқарув қарорларини танлаш ва қабул қилишда мустақиллик, бошқарув қобилиятларининг тўла намоён бўлиши билан таърифланади.

Тадбиркорлик назариясининг ривожланишидаги ҳозирги босқични тўртинчи босқичга киритиш мумкин. Унинг пайдо бўлишини тадбиркор ҳаракатини таҳлил қилишдаги бошқарув аспектига кўчирилиши билан боғлайдилар. Бу ҳозирги вақтда назарияда тадбиркорлик муаммолари таҳлили кўплаб ўзаро боғлиқ фанлар доирасида олиб борилишини билдиради.

Ҳозирги замон назарий тадқиқотларида нафақат тадбиркорликка ишларни мустақил олиб бориш усули сифатида, балки фирма ичидаги тадбиркорликка ёки интрапренерликка эътибор қаратилади. «Интра-пренер» атамаси амалиётга америкалик олим Г.Пиншо томонидан киритилган.

Интрапренерликнинг пайдо бўлиши кўпгина йирик ишлаб чиқариш тузилмалари, уларда ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг тадбиркорлик шаклига ўтиши билан боғлиқ. Тадбиркорлик иши ижод эркинлигининг мавжуд бўлишини кўзда тутганлиги сабабли яхлит ишлаб чиқариш бирикмаларининг бўлинмалари ҳаракат қилиш эркинлигини оладилар, бу тадбиркорликнинг асосида ётувчи ғояларни амалга ошириш учун зарур бўлган интракапиталнинг мавжудлигини назарда тутди.

Таниқли олимларнинг олиб борган тадқиқотлари шуни кўрсатадики, тадбиркорнинг ўз фаолияти соҳасида олиб борадиган ишлари кўп кирралидир. Бу бозор сиёсатининг ўзгариши билан ёки корхонанинг ички ва ташқи омиллари таъсирида аниқланади. Лекин тадбиркорнинг асосий мақсади манфаат (фойда) кўриш билан бир қаторда, бозорда самарали фаолият юритишни таъминлайдиган ишларни амалга оширишдир. Бунинг учун тадбиркорликни бошқариш ва унга кўмак берувчи замонавий менежмент усулларига асосланган механизмни яратиш ва ундан унумли фойдаланишни таъминлаш зарурдир. Бозор шароитида тадбиркорликни бошқаришда унинг қуйидаги хусусиятларини эътиборга олиш керак:

- тадбиркор ҳар доим бозордаги талаб ва таклифни эътиборга олиб иш кўради;
- тадбиркор самарадорликни таъминловчи саъй-ҳаракатлар қилиб, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш йўллари қидиради;

- бизнеснинг пировард натижаларига жавоб берадиган шахслар, ўз бизнесини эркин шарт-шароитларда олиб боришига етарли имкониятлар яратишади;

- кичик корхонанинг пировард натижалари, яъни унинг оладиган фойда ёки зарари фақат бозордаги олди-сотди жараёнида маълум бўлади;

- кичик бизнес билан шуғулланувчи тадбиркор ўз маблағларини ҳаракатга солиб, бозорда қандай хавф-хатарга дуч келиши ёки якуний натижа қандай бўлишини аниқ билмайди.

Шундай қилиб, тадбиркорлик – бу иқтисодий фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, унинг замирида мустақил ташаббус, жавобгарлик, тадбиркорлик ғоясига асосланган, фойда олишга йўналтирилган, мақсадга мувофиқ фаолият ётади.

Тадбиркорлик иқтисодий фаолликнинг алоҳида тури бўлиб, унинг бошланғич босқичи, одатда, фикрлаш фаолияти ёки унинг натижаси билан боғланган бўлади, фақат у кейин моддий шаклни олади.

Тадбиркорлик янгилик киритиш, товар ишлаб чиқариш фаолиятини ўзгартириш ёки корхонани (шу жумладан, кичик корхонани) ташкил қилиш соҳасида ижодкорликнинг мавжудлиги билан таърифланади. Тадбиркорлик фаолиятининг ижодкорлик жиҳатлари бошқарувнинг янги тизимида ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг янги усуллари ёки янги технологияларини тадбиқ этишда ўз ифодасини топади.

Тадбиркорнинг ўзи тадбиркорлик фаолиятининг асосий субъекти бўлади. Аммо тадбиркор ягона субъект эмас, ҳар қандай ҳолда у ишлаб чиқарилган товар ёки хизматнинг истеъмолчиси ҳамда ҳар хил вазиятларда ёрдамчи ёки рақиб сифатида бўлувчи давлат билан ўзаро ҳамкорлик қилишга мажбур. Истеъмолчи ҳам, давлат, ҳам, ёлланма (ишчи) ходим ҳам тадбиркорлик фаолияти субъектлари қаторига қирадилар.

Тадбиркор ва истеъмолчининг ўзаро муносабатларида тадбиркор фаол субъект категориясига қиради. Истеъмолчи эса бунда пассив рол ўйнайди. Бу ўзаро муносабатларни таҳлил қилишда истеъмолчи тадбиркорлик жараёнининг индикатори ролини бажаради. Тадбиркор фаолияти предметини ташкил қилувчи барча нарса истеъмолчининг ижобий баҳосига эга бўлган ҳолдагина амалга оширилиши мумкин. Бунда истеъмолчи томонидан товарга баҳо берилади ва кейин у ёки бу товарни ҳарид қилишга тайёрлиги аниқланади. Тадбиркор ўз фаолиятини режалаштириш ва ташкил қилишда истеъмолчининг кайфияти, истаги, манфаатларини ҳисобга олиши керак.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркор учун истеъмолчининг манфаатларига мувофиқ ҳаракат қилишдан бошқа истеъмолчига таъсир қилишнинг йўли йўқдир. Аммо бу тадбиркор истеъмолчининг манфаатларига мувофиқ ҳаракат қилиши кераклигини билдирмайди. Тадбиркорнинг ўзи истеъмолчининг талабини шакллантириши, янги истеъмол эҳтиёжларини яратиши (агар ҳаридор учун зарур бўлган янги

товар яратилса) мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилишнинг икки усулини келтириш мумкин:

- истеъмолчи манфаатини аниқлаш усули;
- истеъмолчига янги товар ёки хизматларни «мажбуран қабул қилдириш» усули.

Шундай қилиб, тадбиркорнинг асосий мақсади – ўз истеъмолчиларига эга бўлиш йўлида товарга бўлган эҳтиёжни аниқлашдан иборатдир. Тадбиркор ўз истеъмолчиларини шакллантиришда қуйидаги асосий омилларни ҳисобга олиши керак:

- товарнинг янгилиги ва унинг харидор манфаатига мос келиши;
- товар ёки хизматларнинг сифати;
- товар ёки хизматларнинг нархи;
- товарнинг универсаллик даражаси;
- товарнинг ташқи кўриниши, унинг харидор талабига мослиги;
- сотувдан кейинги сервис хизматларидан фойдаланиш имконияти;
- товарнинг қабул қилинган умумий ёки давлат стандартларига мослиги;
- товарлар ва хизматлар рекламасининг жозибалилиги, харидор диққатини ўзига жалб қилиши ва ҳоказо.

Хулоса шундан иборатки, агар ижтимоий ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан тадбиркор фаол субъект ролида бўлса, унда тадбиркорлик жараёнининг ўзи, унинг самарадорлиги ва мазмуни нуқтаи назаридан истеъмолчи фаол рол ўйнайди ва тадбиркор бу омилни инкор эта олмайди.

Тадбиркорнинг шахсий хусусиятлари, қобилиятлари, имконият-лари ва ишга доир сифатлари тадбиркорликнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлади. Тадбиркорнинг ишга доир сифатлари қуйидаги тамойилларга асосланиши керак:

- биринчидан, бозорнинг товарлар ва хизматлар билан таъминланиш даражасини таҳлил қилиш йўли билан иқтисодий хўжалик тизимида ўз ўрнини топиши;
- иккинчидан, шахсий ишлаб чиқариш тузилмасини яратишга тайёрлик қобилияти;
- учинчидан, маркетинг тадқиқотлари натижаларидан келиб чиққан ҳолда, дастлабки тадбиркорлик ҳисоб-китобларини амалга ошириши;
- тўртинчидан, тадбиркорлик лойиҳасини амалга оширишда раҳбарликни тўғри йўлга қуйиш қобилияти;
- бешинчидан, янги техник, технологик ғояни биринчи бўлиб ҳаётга тадбиқ этиш ҳамда ушбу ғоядан амалда фойдаланиш, ундан қандай якуний натижа, маҳсулот ёки хизматлар олиш мумкинлигини тасаввур қила олиши.

Тадбиркорнинг ушбу ишбилармонлик тамойиллари унинг ижодкорлигига асосланади. Айнан ана шу ижодкорлик Й.Шумпетер фикрига асосан, тадбиркор бошқалар эътибор қилмаган ва билмаган ишларга эътибор қилиб, фаолият юритиш имконини беради.

Ижодкорлик тадбиркорни таърифлашда асосий мезон бўлади, аммо у ҳар хил шаклларда намоён бўлиши мумкин. Тадбиркор бошқа ижодкор кишилар томонидан амалга оширилган кашфиётлар, топилмалардан қандай қилиб самарали фойдаланиш мумкинлигини билади. Шу билан бирга, у бу янгиликлардан харидорнинг қизиқишини уйғотувчи янги, ажойиб нарса ишлаб чиқариш соҳасида фойдаланиш йўллари топа олади.

Аммо кашфиёт ва янгилик фақат товар турининг янги таркибий қисмини яратишда эмас, балки товар ишлаб чиқаришни янгилаш жараёнига жалб қилишни талаб қилмайдиган оддийроқ шаклларда ҳам намоён бўлади. Масалан, у товар ўрамининг янгиланиши, анъанавий товарга янги хусусиятлар ва сифатлар бериш кўринишида намоён бўлиши мумкин.

Тадбиркор фаолиятининг бошқа томонларида ҳам кашфиётчилик элементларини қўллаши мумкин. Масалан, у ишлаб чиқаришнинг, маҳсулотни сотишни бошқаришнинг янги шакллари топади, шериклик муносабатларини ўрнатади, ишлаб чиқаришнинг янги технологияларидан фойдаланади.

Тадбиркорликнинг яна бир муҳим хусусияти ишлаб чиқариш жараёнида янги ғояларнинг амалга оширилиши бозор томонидан қандай қабул қилинишини олдиндан кўра билиш қобилиятида намоён бўлади. Шу жиҳатдан қараганда, янгиликни бозорда татбиқ этиш ва истеъмолчининг жавобини битта жараёнга бирлаштира олиш тадбиркор муваффақиятининг гаровидир.

Кўпгина тадқиқотчилар жамиятда тадбиркорлик билан шуғулланувчилар сони кўпайиб бораётганлигини таъкидлайдилар. Маълумотларга кўра, мустақил фаолият юритувчи аҳолининг 8-10% қисми тадбиркорлик билан шуғулланиши мумкин. Тадбиркорлик ҳар қандай бошқа касб каби ишбилармонлик сифатларини талаб қилади.

Тадбиркор кишидан, аввало, ўзига ва ўзининг қобилиятига ишониш талаб қилинади. Ўзига, ўз кучига ишонмайдиган инсон нафақат тадбиркорликка, балки ҳар қандай соҳада ҳам ишни охиригача олиб боришга қодир эмас.

Тадбиркорнинг муваффақиятини белгиловчи кейинги шарт – агрессивликдир. Бунда гап, биринчидан, тадбиркорга нимададир биринчиликка эга бўлишлик ишончини берувчи, иккинчидан, тадбиркорнинг аниқ мақсадга қаратилган ҳаракатларни бажаришида ташаббусни тортиб олишга ҳаракат қилувчи агрессивлик ҳақида гап кетаяпти. Шундай қилиб, бу ўриндаги агрессивлик амалда ғоялар, лойиҳа ва ташаббусни тортиб олиш ва уни тез амалга оширишни билдиради. Бундай агрессивлик атрофдагиларга (ҳаммадан олдин рақибларга) тўғридан-тўғри зарар келтирмайди, у бевосита зарар келтириши мумкин (агар биров қандайдир товарни ишлаб чиқаришда ташаббусни ўз қўлига олса, бошқа киши бундай товарни ишлаб чиқара олмайди, демак, товар ишлаб чиқариш бўйича ташаббусни биринчи бўлиб бошлаган тадбиркорнинг ҳаракати у мўлжаллаган даромадни олишига имкон бермайди).

Тадбиркор кўпгина ҳолларда ўз жамоаси билан ҳаракат қилади, шунинг учун тадбиркорлик ғоясини амалга ошириш жараёнига самарали таъсир қилувчи жамоани яратгандагина муваффақиятга эришади. Шу муносабат билан тадбиркорнинг олдида мураккаб муаммолар туради. Булар бизнеснинг муваффақияти учун қандай ихтисосдаги мутахассислар кераклигини, улар қандай сифатларга эга бўлишлари зарурлигини, уларнинг тадбиркор шакллантираётган руҳий муҳитга қандай олишлари мумкинлигини аниқлаш муаммоларидир.

Ҳар қандай фаолиятдан кутиладиган самара инсонга, аввало унинг меҳнат маданияти даражасига боғлиқдир. Масалан, японлар ўзларининг «иқтисодий мўъжизалари» асосида нафақат илм, илмий-техник ва технологик ютуқлар, балки меҳнат маданиятининг ўзгариши ётганлигини таъкидлайдилар. Япония экспертларининг фикрига кўра, бунинг учун япон жамаиятига 30 йил керак бўлган.

Меҳнат маданияти деганда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш даражаси, меҳнатнинг янги, самаралироқ усуллари қўллаш, ҳамкасблар ва қўл остидагилар билан муомалада самимийлик, янги ғоялар, технологияларни қидириш, мулкка ва ишлаб чиқариш муносабатларига эҳтиёткорона ёндашиш тушунилади.

Корхона фаолиятини бошқаришда тўғри қарор қабул қилиш тадбиркорнинг энг муҳим сифатларидандир. Бошқача қилиб айтганда, бу тадбиркорнинг ўз фаолияти, ўз бизнеси соҳасида жавобгарликни ўз зиммасига олишидир. Ҳақиқатдан ҳам тадбиркор, қарор қабул қилиб, уни амалга оширишда нафақат ўз шериклари олдида, балки ўзининг келажакдаги қарорининг оқибати учун жавобгарликни ҳам ўзига олади. Бинобарин, жавобгарликни ўзига олиш жараёни, айтиб бериш вақтида, хавф-хатарни ўзига олишни ҳам билдиради. Шундай қилиб, хавф-хатарни кўра билиш ва уни бартараф этиш учун тайёрлик ҳам тадбиркорга хос бўлган муҳим сифатдир.

Тадбиркорлик ниятини амалга ошириш белгиланган даражада тадбиркорнинг мотивлашуви (манфаатдор бўлиши)га боғлиқ. Тадбиркорлик назариясининг асосчиси Й.Шумпетер учта асосий мотивни ажратган:

- биринчидан, ҳокимлик қилиш, ҳукмронлик, таъсир қилишга эҳтиёж;

- иккинчидан, аниқ ҳаракатларни бажариш орқали эришиш мумкин бўлган ғалабага ирода, муваффақият сари ҳаракат;

- учинчидан, мустақил иш фаолияти берувчи ижодкорлик қувончи.

Аммо, Й.Шумпетер томонидан таклиф қилинган мотивлаштириш назарияси ғарбий мамлакатлар тадбиркорларининг фикрлаш услубини акс эттиради. Тадбиркорликнинг тарихий томирларига эга бўлган Ўзбекистонда тадбиркорликнинг замонавий ҳақиқатларга асосланган ўз мотиви бўлиши керак. Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти бир қатор ўзига хос аломатлар ва хусусиятлар билан бирга бўлади. Бизнинг мамлакатимизда тадбиркорликни мотивлаштириш хусусиятлари қуйидаги аломатларга эга:

- ўз салоҳиятини амалга оширишга ҳаракат қилиш;
- энг муҳим, иқтисодий ва ижтимоий самара келтирувчи ғоялар-ни амалга ошириш истаги;
- тўрачилик тузилмалари билан боғлиқликдан қочиш, ҳаракатлар эркинлиги ва фаолият кўрсатиш жараёнида мустақил бўлиш;
- қизиқарли иш билан мустақил ва эркин шуғулланиш;
- ўзининг ижтимоий мақоми ва обрўсини оширишга интилиш ҳамда ўзига ва ўз яқинларига муносиб турмуш шароитларини таъминлаш.

Кўрсатиб ўтилган истакларни муваффақиятли амалга ошириш учун тадбиркор бир қатор изчил ҳаракатларни амалга ошириши керак. Бу ҳаракатлар танлаб олинган ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш шаклларига боғлиқ. Шу муносабат билан тадбиркор ўз фаолиятини ташкил қилишнинг қуйидаги иккита таркибий қисмини таҳлил қилиши керак:

- бозор ва унда вужудга келадиган вазият;
- ишлаб чиқариш тузилмаси.

Иш муҳитини таҳлил қилишда тадбиркор бу қисмлар ўртасида ўзаро алоқалар ўрнатишнинг самарали усулини топиши керак. Аммо, бунга эришиш қийин. Чунки, биринчидан, иккала таркибий қисмлар сифати турлича. Бозор динамик ўзгарувчан механизмдан иборат. Унга доимо кузатиладиган талаб, таклиф, нарх, рақобат шароитларининг ўзгариши хосдир. Шу билан бир вақтда ишлаб чиқариш тузилмаси консерватив, кам ўзгарувчан. Ишлаб чиқариш дастурлари ҳар кунлик ўзгаришларни кўзда тутмайди. Иккинчидан, бозор ва ишлаб чиқариш фазо ва вақтга бўлинган. Фазовий бўлиниш шуни билдирадики, бозордаги ўзгаришлар ишлаб чиқариш тузилмасидаги худди шундай ўзгаришларни келтириб чиқара олмайди. Бу ҳолат вақт бўйича бўлиниш билан ҳам чуқурлашади, тадбиркор ишлаб чиқариш дастурини шакллантиради ва уни бозор-даги вазият ҳақидаги ахборотлар билан асослайди. Аммо дастурни бажариш маълум бир вақтни талаб қилади, шу вақт ичида бозорда жиддий ўзгаришлар рўй бериши мумкин. Бунинг натижасида ишлаб чиқарилган товар ёки хизматлар бозорда керак бўлмай қолиши мумкин. Шунинг учун тадбиркор муҳим қарорларни қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи маркетинг тадқиқотлари бозорда вазиятнинг ривожланиш башоратига асосланиши керак.

Қарор қабул қилиш, масъулиятни зиммасига олиш каби функциялар тадбиркорликни бошқариш фаолияти билан боғлайди. Шунинг учун ҳам тадбиркорни менежердан ажратмоқ зарур. Буларнинг ҳар бири ўзига хос функцияларни бажаради. Бир томондан тадбиркорлик фаолиятининг мазмуни бошқариш фаолиятдан кенгрок бўлса, бошқа томондан ҳар бир ишбилармон ҳам менежмент функцияларини бажара олмайди. Менежмент асосларига бағишланган китобда бу ҳақда яхши фикр билдирилган: «Шахсий таваккалчилик, молиявий имкониятга бўлган муносабат, тинимсиз қаттиқ

меҳнат қилиш каби хусусиятларга эга бўлган тадбиркор йириклашиб бораётган корхонани бошқариб кетади, деган гап эмас»⁶.

Менежернинг «шаклланмаган тузилмани шакллантириш» қобилияти иши юришиб кетаётган ишбилармонга доимо ҳам хос бўлавермайди. Шу сабабли йирик корхоналар раҳбариятига менежерлар келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги шароитда «тадбиркор» тушунчаси «менежер» тушунчасига жуда яқин туради. Шу билан бирга, тадбиркор мулкдор бўлса, менежер бошқарувчидир. Амалда эса, аксарият мулкдорлар менежер функциясини бажаради, қатор менежерлар эса ўзлари бошқариб турган ишлаб чиқариш корхоналарига эга бўлиб қолмоқда.

«Тадбиркорлик» тушунчаси тадбиркорнинг энциклопедик луғатида қуйидагича таърифланади:

Тадбиркорлик – (ингл. ентерприсе) шахсий даромад, фойда олишга қаратилган фуқароларнинг мустақил фаолияти. Бу фаолият ўз номидан, ўз мулккий масъулияти ва юридик шахснинг юридик масъулияти эвазига амалга оширилади. Тадбиркор (фрн. ентреpreneур) қонун томонидан тақиқланмаган барча хўжалик фаолияти, шу жумладан, воситачилик, сотиш, сотиб олиш, маслаҳат бериш, қимматбаҳо қоғозлар билан иш олиб бориш билан шуғулланиши мумкин.

Тадбиркорлик шахсий ва ижтимоий фойдаларни кўзлаган ҳолда даромад олиш учун сарфланаётган маблағ билан боғлиқ фаолиятдир. Тадбиркорликка берилган ушбу таъриф батафсиллиги билан ажралиб туради. Бу таърифда тадбиркорлик фақат маълум фаолият билан шуғулланиш эмас, балки бевосита фаолият кўрсатишдан иборатлиги таъкидланган. Тадбиркорликка берилган қатор таърифларда энг муҳим ҳолат, яъни шахсий даромад билан ижтимоий фойданинг яхлитлик хусусияти кўрсатилмаган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тадбиркорликнинг муҳим хусусиятларига қуйидагилар киради:

- хўжалик фаолияти олиб бораётган субъектларнинг мустақиллиги ва эркинлиги. Ҳуқуқий меъёрлар чەгарасида ҳар бир тадбиркор у ёки бу масала юзасидан мустақил қарор қабул қилиши мумкин.

- иқтисодий манфаатлилик. Тадбиркорликнинг асосий мақсади максимал даражада даромад олишни кўзлаб, жамият тараққиётига ҳам ўз хиссасини қўшишдир.

- хўжалик таваккалчилиги ва масъулият. Ҳар қандай ҳисоб-китобда ҳам ноаниқлик ва таваккалчилик бўлиши мумкин.

⁶ М.Х. Мескон, М.Альберт, Ф.Хедуори. Основы менеджмента. М., 1992.44-бет.

1.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ҳамда уларни молиявий қўллаб-қувватлаш

2009-2012 йилларда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Кичик бизнес субъектлари – корхона кўлами, ишлаб чиқариш ҳажми, ишловчилар сони, молиявий маблағлари миқдори ва бошқалар жиҳатидан имкониятлари чекланган ишлаб чиқарувчи субъектлар. Республикамизда кичик бизнес субъектлари тоифасига яқка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар ва кичик корхоналар киради.


Яқка тартибдаги тадбиркорлик – алоҳида фуқаролар томонидан ўзларининг таваккалчиликлари ва мулкый жавобгарликлари остида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида амалдаги қонунчилик доирасида амалга ошириладиган ташаббускор хўжалик фаолияти.

Микрофирма – кичик бизнес субъектларининг бир тури бўлиб, мамлакатимизда амалдаги қонунчиликка кўра саноат ишлаб чиқаришнинг тармоқларида 20 кишигача, хизмат кўрсатиш соҳасида 10 кишигача, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишигача ишловчи корхоналар микрофирма ҳисобланади.

Кичик корхона – кичик бизнес субъектларининг бир тури бўлиб, мамлакатимизда амалдаги қонунчиликка кўра саноат ишлаб чиқаришнинг айрим тармоқларида (масалан, енгил ва озик-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик саноати ва ҳ.к.) 100 кишигача, айримларида (масалан, машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика саноати ва бошқаларда) 50 кишигача, хизмат кўрсатиш соҳасида 25 кишигача ишловчи корхоналар кичик корхона ҳисобланади.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2011 йилда 54 фоиздан ошди. Ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоизни ташкил этган эди. Бундай натижа биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётгани самарасидир (1-расм).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, фозда



1-расм.


Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг кенгайиши иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги салмоғининг ошиши орқали ҳам намоён бўлди. Хусусан, мазкур соҳанинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 2011 йилдаги 6,3 фоиздан 2012 йилда 8,6 фоизга, қишлоқ хўжалигида тегишли равишда 6,6 фоиздан 5,8 фоизга, капитал қўйилмалар ҳажмида – 7,9 фоиздан 9,3 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажмида – 16,4 фоиздан 13,4 фоизга, истеъмол нархлари индексида – 7,6 фоиздан 7-9 фоизга қадар ошди (1-жадвал).

1-жадвал. Ўзбекистонда кичик бизнеснинг иқтисодиёт асосий тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)лар ҳажмидаги улуши, фоизда

Кўрсаткичлар	2011 й.	2012 й.
Реал ялпи ички маҳсулот	108,3	108,2
Саноат маҳсулоти ҳажми	106,3	108,6
Қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми	106,6	105,8
Капитал қўйилмалар ҳажми	107,9	109,3
Чакана савдо айланмаси ҳажми	116,4	113,4
Истеъмол нархлари индекси	107,6	107-109
Давлат бюджети камомати, ЯИМга нисбатан фоизда	+0,2	-1,0

Марказий банк қайта молиялаш ставкаси, фоиз	12	12
---	----	----

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бу қадар жадал ривожланишида энг аввало мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи роль ўйнаётганлиги ҳисобланади. Жумладан, бу борада 2012 йилда кичик саноат корхоналари учун ягона солиқ тўлови 6 фоиздан 5 фоизга пасайтирилди, яқка тартибдаги тадбиркорлар учун эса қайд этилган солиқ миқдори ўртача 1,3 баробар камайтирилди (2-расм).



2-расм.

Расмдаги маълумотлардан кўринадики, 1996-2010 йиллар мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун белгиланган солиқ ставкалари 38 фоиздан 5 фоизгача, яъни 7,4 марта қисқарган.

Ягона солиқ тўлови – кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида турли солиқ ва йиғимлар ўрнига соддалаштирилган тартибда тўланувчи ягона солиқ тури.

2012 йилда ҳам тадбиркорларнинг ўз ишини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатларини қисқартириш ишлари давом эттирилди. Масалан:

- архитектура-режалаштириш топшириқ тўпламларини олиш қиймати – 4 баробар;
- лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш – 2,5 баробар;
- кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш қиймати – 2 баробарга пасайтирилди.

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишдаги рухсат бериш жараёнларининг қисқартирилиши ва тўловларнинг оптималлаштирилиши билан боғлиқ тадбирлар натижаларини қуйидаги жадвал орқали яққолроқ кўриш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда рухсат бериш жараёнларини қисқартирилиши ва тўловларнинг оптималлаштирилиши

Рухсат бериш билан боғлиқ жараёнлар турлари	Тўлов миқдори				Тўлов миқдорининг қисқариши, фоизда
	Аввал амалда бўлган		Янги киритилган		
	Энг кам иш ҳақи миқдори бўйича	сўмда*	Энг кам иш ҳақи миқдори бўйича	сўмда*	
Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш	5	140200	2	56080	- 60
Банкда ҳисоб рақамини очиш	1	28040	0,5	14020	- 50
Архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш	40	1120000	10	280400	- 75
Ер участкасини расмийлаштириш	-	130000	-	58000	- 56
Экологик экспертиза	25	701400	1	28040	- 96
Лойиҳа-смета ҳужжатларини	10	280400	3	84120	- 70

экспертиза қилиш					
Қурилиш давомида назорат-ижро съемкалари ўтказиш	5	140200	3	84120	- 40
Нормативлар лойиҳаларининг экологик экспертизасини ўтказиш	75	210300 0	1	28040	- 98,7
Гигиеник сертификатлар олиш	10	280 400	3	84 120	- 70
Жами тўловлар қиймати (лицензия ва рухсатномаларсиз)	-	503766 0	-	830960	- 83,5

* Изоҳ: энг кам иш ҳақи миқдори тўловларни қисқартиришга оид меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган даврга татбиқан олинган.

Жадвалдан кўринадики, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда рухсат бериш жараёнларини қисқартириш ва тўловларни оптималлаштириш тадбирлари аҳамиятли даражада амалга оширилган. Масалан, нормативлар лойиҳаларининг экологик экспертизасини ўтказиш бўйича тўлов миқдори 75 марта, экологик экспертиза қиймати 25 марта камайтирилган. Бунинг натижасида ҳар битта тадбиркорлик субъекти учун ўз фаолиятини ташкил этишда ўртача 4207 минг сўм миқдоргача маблағларни тежаш имконияти пайдо бўлди.

2011 йилнинг юртимизда **“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”** деб эълон қилиниши муносабати билан банк тизимида қатор устувор вазифалар амалга оширилди. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар, шу жумладан, микрокредитлар ажратиш механизмлари такомиллаштирилди ва янада соддалаштирилди.

Оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, бошланғич капитал ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш мақсадида узоқ ва ўрта муддатли кредитларни ажратиш механизмлари қайта кўриб чиқилиб, ҳозирги давр талабларига мослаштирилди.

Тижорат банклари ва банкдан ташқари кредит ташкилотлари томонидан ажратиладиган микрокредитларнинг таъминоти сифатида кредит қайтарилмаслиги хатарини суғурталашда суғурта полисини қўллаш амалиётини кенгайтириш, якка тартибдаги тадбиркорларга, жумладан,

касб-ҳунар билим юртлари битирувчиларига берилган тижорат банклари кредитлари бўйича таъминот сифатида жисмоний шахсларнинг мол-мулкини гаровга олиш амалиёти кенг жорий қилинди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида ислохотлар кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, мамлакатда ишчанлик муҳитини шакллантиришнинг мезонлари ва баҳолаш тизимини аниқлаш ва амалга оширишга доир чоралар-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги ПҚ-1464-сонли Қарорига асосан, тижорат банкларида кичик бизнес субъектларига кредитларни ажратишда гаровга қўйилган мулкни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни кредитнинг умумий суммасида акс эттириш амалиёти жорий қилинди.

2011 йилнинг 1 январидан бошлаб Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкаси йиллик 14 фоиздан 12 фоизга пасайтирилди. Бу эса, ўз навбатида тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитларнинг фоиз ставкалари пасайишига олиб келди.

Банкларнинг барча филиалларида тадбиркорларга яқиндан маслаҳатлар бериш бўйича “Тадбиркорлар хонаси” ташкил этилди. Шунингдек, филиаллар ва мини банкларда ташкил этилган “Тадбиркорлар бурчаги” орқали республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар, таклиф этилаётган янги банк хизматлари тўғрисида доимий равишда ахборот бериб борилиши йўлга қўйилди.

Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида инвестицион лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштиришга ихтисослаштирилган жамғарма ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 11 мартда имзоланган ПҚ-1501-сонли Қарори, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 24 августда чиқарилган ПФ-4354-сонли Фармони ва бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун турли имтиёз ва қулайликлар берилди, имтиёзли кредитлаш тизими соддалаштирилди.

Хусусан:

✚ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш муддати уч банк иш кунидан ошмайдиган муддат қилиб белгиланди;


✚ тижорат банкларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришда кредитнинг умумий суммасида қарз олувчининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш ҳуқуқи берилди;

✚ кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисобварақ очгани учун тўлов ундириш бекор қилинди;

✚ имтиёзли кредитлаш ҳажмини кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратишдан оладиган даромадлари 2016 йилнинг 1 январига қадар фойда солиғидан озод қилинди.

Бунга асосан, ўтган йилда Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар 1,3 баробарга кўпайтирилиб, уларнинг ҳажмини 24 миллиард сўмдан ошириш чоралари кўрилди. Ушбу кредитлар асосан узоқ ва чекка, шунингдек, ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди.

Олиб борилган салмоқли ишлар натижасида 2011 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2010 йилга нисбатан қарийб 1,5 баробар ошиб, 4,0 триллион сўмни ташкил этди ва мазкур маблағлар ҳисобига ҳудудларда 291 мингтадан ортиқ янги иш ўрини яратилди.




3-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ажратилган кредитлар, миллиард сўм.

3-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури доирасида амалга оширилган кенг қўламли чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 2,2 баробар, 2010 йилга нисбатан 1,5 баробар ошиб, 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 4,1 триллион сўмни ташкил этди.

Ажратилган микрокредитлар ҳажми 752,3 миллиард сўмни ташкил этиб, мазкур кўрсаткич 1,5 баробар ўсди. Давлат дастурига мувофиқ, турли

соҳа ва йўналишлар учун кредитлар ажратиш истиқболли кўрсаткичларининг бажарилиши таъминланди.

Давлат дастурига мувофиқ, турли соҳа ва йўналишлар учун кредитлар ажратиш истиқболли кўрсаткичларининг бажарилиши таъминланди.



4-расм. Кичик бизнес субъектларига ажратилган микрокредитларнинг ўсиш динамикаси, миллиард сўм.

Жумладан:

- озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчиларга 712,4 миллиард сўм;

- ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадларига 724,0 миллиард сўм;

- хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 351,1 миллиард сўм;

- касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини ташкил этиши учун имтиёзли шартлар асосида 25,6 миллиард сўмлик микрокредитлар;

- шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қорамол сотиб олиш учун 59,7 миллиард сўм;

- тижорат банкларида ташкил этилган Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармалари маблағлари ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларига 31,2 миллиард сўм;

- оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 54,1 млрд. сўм миқдоридagi кредитлар ажратилди.

Шунингдек, “Микрокредитбанк” АТБ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 159,7 миллиард сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилди.

Бундан ташқари, халқаро молия институтлари ва хорижий давлатлар ҳукуматларининг 143,4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли кредит линиялари ва грантлари ўзлаштирилди.

Республикада кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш мақсадида турли хил молиявий воситалар орқали бу соҳани қўллаб-қувватлаш устувор йўналиш сифатида амал қилиб келмоқда. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини рағбатлантиришда солиқ тизимидан фойдаланиш ўз самарасини бермоқда.

...2011 йилда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилиши хўжалик юритувчи субъектлар инвестиция фаолиятининг кенгайишига хизмат қилди...

Ислом Каримов

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1449-сонли қарорига мувофиқ, 2011 йилда иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги корхоналар, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг амалдаги 7 фоизли ставкаси 1 фоизга камайтирилиб, 6 фоиз қилиб белгиланди. Бунинг натижасида кичик бизнес субъектлари ихтиёрига давлат бюджетига тўлаши лозим бўлган 80 миллиард 300 миллион сўмлик маблағ уларнинг молиявий имкониятларини кучайтириш учун қолдирилди, провардида эса уларда ишлаб чиқариш ҳажми ўсган ҳолда, янги иш ўринларини яратишда ушбу субъектларнинг улуши ошиши таъминланди. 2012 йилда ҳам кичик бизнес субъектлари учун солиқ юки даражаси камайтирилди, яъни ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга туширилди.

Охириги йилларда кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси йил сайин камайиб бориши кузатилмоқда. 2012 йил учун белгиланган солиқ ставкаси 1996 йилга нисбатан, 7,6 марта, 2000 йилга нисбатан 6 марта, 2005 йилга нисбатан эса 3 мартага қисқартирилган. 2012 йил Юртбошимиз томонидан “Мустақкам оила йили” деб эълон қилиниши муносабати билан оилавий хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда солиқ тизимининг роли янада оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1675-сонли қарорига мувофиқ, хизмат кўрсатиш соҳасида, айниқса сартарошлик ва бошқа шу каби маиший хизматлар соҳасида фаолиятни кўрсатаётган яқка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари ўртача 2 баробар камайтирилди.



5-расм. Кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси.

Автомобиль транспортида юк ташишга оид хизматларни кўрсатувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари ҳудудлар бўйича унификация қилинди ва қатъий ягона солиқ ставкалари белгиланди. 2012 йил учун ишлаб чиқилган солиқ сиёсатида кичик бизнес субъектларига нисбатан солиқ имтиёзлари кенгайтирилди, айримларининг муддати узайтирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сонли Қарори билан микрофирма ва кичик корхоналарга берилган солиқ имтиёзлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2009 йил 25 октябрдаги ПҚ-1050-сонли Қарори билан берилган солиқ ва божхона имтиёзлари 2014 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди.

Ўтган йиллар давомида малакатимизда солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор қўшимча солиқ ва божхона имтиёзлари берилди. Жумладан, мамлакатимиздаги енгил ва озиқ-овқат саноатининг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналари, шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурида иштирок этаётган корхоналар учун кенг қўламли қўшимча солиқ ва божхона имтиёзлари берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1047-сонли Қарори билан:

2009 йилнинг 1 июлидан бошлаб гўшт-сут маҳсулотини саноат қўламида қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш борасидаги фаолият фақат юридик шахс шаклида ташкил қилинган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилиши; гўшт ва сутни қайта

ишлайдиган корхоналарга ўз маҳсулотини автофургонларда аҳолига нақд пулга сотиш ҳуқуқи берилди, бунда нақд маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар куни инкассация қилиниши шартлиги белгилаб кўйилди.

Мазкур қарор билан 2012 йилнинг 1 январига қадар бўлган даврда асосий фаолият тури бўйича гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашаётган микрофирмалар ҳамда кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлов ставкасини 50 фоизга камайтириш, бўшайдиган маблағларни ишлаб чиқариш корхоналарини техникавий қайта жиҳозлаш ва модернизация қилишга, шу жумладан, янги лабораториялар барпо этиш ва мавжудларини жиҳозлашга, янги маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга, шунингдек, хомашё базасини ривожлантиришга мақсадли тарзда йўналтириш, гўшт ва сут етиштириш ҳамда уларни қайта ишлашда фойдаланиладиган, юртимизда ишлаб чиқарилмайдиган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатларга мувофиқ четдан олиб келинадиган технология ускуналари, уларнинг эҳтиёт қисмлари, ёрдамчи материаллар, таркибий қисм ва компонентларни божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилиш каби солиқ ва божхона имтиёзлари берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 январдаги «Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида «ги ПҚ-1051-сонли Қарорига асосан янгидан ташкил этилаётган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари 2014 йил 1 январгача:

- солиқларнинг барча турларини ва давлат мақсадли фондларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинди;

- Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган қурилиш техникаси ва кичик механизациялаш воситалари учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно) озод қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 19 июндаги «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида «ги ПҚ-1134-сонли қарорига асосан:

2009 йилнинг 1 июлидан бошлаб, 2012 йилнинг 1 январига қадар бўлган даврда махсус печлардан фойдаланган ҳолда замонавий энергия тежайдиган технологиялар асосида пишган ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналар барча турдаги солиқлар, давлат мақсадли жамғармаларига ва мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинди.

2012 йилнинг 1 январидан бошлаб, фойдали қазилмаларни қазиб чиқарувчи ва ер қаъридан фойдалангани учун солиққа тортилувчи микрофирма ва кичик корхоналарга пишган ғишт ишлаб чиқарганида ер қаъридан фойдалангани учун солиқ тўлаш бўйича мажбуриятларни сақлаб

колган ҳолда, ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиш ҳуқуқи бериладиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 30 мартдаги «Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада кўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПФ-4210-сонли Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни рағбатлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қабул қилинган 2008 йил 1 апрелдаги ПФ-3983-сонли Фармонида назарда тутилган, уй шароитида халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш бўйича яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар томонидан қатъий белгиланган солиқни тўлаш юзасидан солиқ имтиёзининг амал қилиш муддати «Хунарманд» уюшмаси аъзолари - яқка тартибдаги тадбиркорлар учун 2012 йилнинг 1 апрелигача узайтирилди.

2011 йилда ҳам бу масалалар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2011 йил 4 майда қабул қилинган ПФ-4296-сонли Фармони кичик бизнес субъектлари фаолиятининг давлат томонидан янада кўллаб-қувватланишининг муҳим ҳуқуқий асоси сифатида катта аҳамият касб этмоқда. Ушбу Фармонга мувофиқ, янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширувидан ўтказилмайди. 2011 йилнинг 1 апрелидан то 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш тақиқлаб қўйилди. Кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текшириш муддатларини қонун ҳужжатларида уларни ўтказиш кўзда тутилган максимал муддатдан, яъни 30 календарь кунидан ортиқ муддатга узайтирилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2011 йил 24 августда қабул қилинган ПФ-43-54-сонли Фармонига мувофиқ, 2011 йилнинг 1 октябридан бошлаб солиқлар, божхона божлари ва йиғимлари, шунингдек, бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузгани сабабли пеня миқдори кечиктирилган ҳар бир кун учун пеняни ҳисоблаш тартиби сақланган ҳолда, унинг амалдаги миқдорига нисбатан учдан бир қисмга камайтирилди; юридик шахсларга текширувлар натижалари бўйича кўшимча ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек, молиявий санкцияларни ундириш

тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб олти ой мобайнида тенг улушларда тўлаш ҳуқуқи белгиланди.

2-БОБ. РЕСПУБЛИКАМИЗДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БАНКЛАР ВА КРЕДИТНИНГ АҲАМИЯТИ ҲАМДА УЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМДА ЎҚИТИЛИШИ

2.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий таъминлашда банкларнинг роли

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унга кенг иқтисодий эркинлик бериш билан тавсифланади.

Шу жиҳатдан, ҳозирги кунда республикамызда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш масаласига давлатимиз иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифаси сифатида қаралмоқда.

Кичик бизнес капитал тақчиллиги шароитида кўп маблағ талаб этмайдиган хўжалик фаолияти сифатида ресурслар айланмасининг юқори суръатларини таъминлайди, иқтисодиётни қайта қуриш, иқтисодий нобарқарорлик ва ресурслар чекланганлиги шароитида истеъмол бозорини шакллантириш ва уни тўлдириш муаммосини тез ҳамда тежамли тарзда ҳал этади. Кичик корхоналар истеъмол талабининг ўзгаришига дарҳол мослашади ва шу йўл билан истеъмол бозоридаги зарурий мувозанатни таъминлайди. Ҳозирги пайтда ушбу соҳа нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда. Охириги йилларда республикамызда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхоналар сони йил сайин ортиб бораётгани соҳанинг изчил ривожланаётганлигидан далолат беради.

Кичик бизнес соҳасининг иқтисодиётдаги аҳамияти унинг иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш, йирик корхоналар учун маҳсулот ва хизматлар етказиб бериш, янги иш ўринларини яратиш ва иккиламчи бандликни таъминлаш, бозор тизимининг мослашувчанлигини ошириш, илмий-техникавий инқилобни жадаллаштириш, ресурсларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш; солиқ тушумлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш, аҳоли даромадлари даражасини барқарорлаштириш каби омиллар билан белгиланади.

...кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши ҳозирги вақтда – шунга алоҳида эътибор беришингизни сўрайман – 54 фоизни ташкил этишининг ўзи, ўйлайманки, кўп нарсани англатади.

Ислом Каримов

Мустақиллик йилларида кичик бизнес субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига давлат томонидан катта эътибор берилиши ҳамда қўллаб-қувватланиши натижасида унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотига улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушига тўғри келган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 48,2 фоизни, 2009 йилда 50,1 фоизни, 2010 йилда 52,5 фоизни, 2011 йилда эса 54 фоизни ташкил этди ёки 2000 йилга нисбатан 23 фоизга ўсди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишида энг аввало мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи роль ўйнаётганлиги ҳисобланади. Хусусан, 2010 йилда кичик бизнес субъектлари учун белгиланган ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилган бўлса, 2011 йилда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилиши хўжалик юритувчи субъектлар инвестиция фаолиятининг кенгайишига хизмат қилди. Бунинг натижасида бўшаб қолган қарийб 80 миллиард 300 миллион сўм маблағни биринчи навбатда ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва замонавий техникани жорий этишга йўналтириш имкони пайдо бўлди.


“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 7 фоиздан 6 фоизга туширилгани, янги ташкил этилаётган кичик корхоналарни рўйхатдан ўтказиш пайтидаги ва ундан кейинги тартиб-қоидаларни янада соддалаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар бу борада муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаш ўринлидир”.

Ислом Каримов

2012 йилда солиқ юкини, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан олинадиган солиқ юкини сезиларли даражада камайтириш белгиланди. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 6 фоиздан 5 фоизга туширилиши режалаштирилди.

5-расмдаги маълумотлардан кўринадикки, 1996-2012 йиллар мобайнида кичик бизнес субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари 38 фоиздан 5 фоизга ёки 7,6 мартага қисқарди. Сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, 2010 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 2690,2 млрд.сўм кредит ажратилган бўлса, 2011 йилда эса бу кўрсаткич 4041 млрд. сўмни ташкил этди(6-расм).

Расмдаги маълумотлардан кўринадикки, 2001-2011 йиллар мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига йўналтирилган кредитлар миқдори қарийб 24 мартага кўпайди.



6-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилган кредитлар миқдори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли “2011-2015 йилларда Республика молия банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича банк тизими томонидан амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги устувор вазифалар белгилаб берилган:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмини 2011-2015 йилларда 2,7 бараварга ошириш;
- халқаро молия муассасалари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредит линиялари миқдорини ошириш;
- тижорат банкларида имтиёзли кредитлаш жамғармаларини ташкил этиш, жамғарма маблағларини узоқ ҳамда бориш қийин бўлган жойларда, шунингдек аҳоли зич яшовчи ҳудудларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини кредитлаш учун сафарбар этиш;
- истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредитлаш ҳажмини ошириб бориш;
- мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харид қилиш учун аҳолига истеъмол кредитлари беришни янада ошириш ва бошқалар.

Мамлакатимизда иш билан банд аҳолининг 74 фоизидан ортиғи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида бандлиги бу соҳага эътиборни янада кучайтиришни, жумладан тижорат банклари томонидан

кредитлар ажратишни кўпайтиришни ва шу асосида янги иш ўринларини ташкил этиш, барқарор даромад манбаларини шакллантиришга замин яратиш зарурлигини тақозо этади.

Бу борада 2011 йил давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига жами 4 трлн. 41 млрд. сўм (ўтган йилга нисбатан 150,2 фоизга кўп) миқдорида кредит, шу жумладан 752 млрд. сўм (ўтган йилга нисбатан 155 фоизга кўп) микрокредитлар ажратилиб, ушбу маблағлар ҳисобига ҳудудларда 291126 та янги иш ўринлари яратилди.

Энг муҳими, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида ҳал қилувчи тармоққа, ижтимоий фаол аҳолимизнинг катта қисмини қамраб олган соҳага айланди. Ҳозирги вақтда – шунга урғу бериб айтмоқчиман – иш билан банд аҳолимизнинг 74 фоиздан ортиги айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани бунинг яққол тасдиғидир.

Ислом Каримов

Шу билан бирга, “Микрокредитбанк” томонидан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш ҳамда республика қишлоқларида микромолиявий хизматларни кенгайтириш мақсадлари учун 159,7 млрд. сўм миқдоридаги микромолиявий хизматлар кўрсатилиб, 104500 та янги иш ўрни яратилди.

Албатта, мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш, янги иш ўринларини яратиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига янада янги замонавий банк хизматлари кўрсатиш такомиллаштирилиб борилиши талаб этилади.

Шу муносабат билан 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб амалдаги қайта молиялаштириш ставкаси пасайтирилди. Бу эса ўз навбатида тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитларнинг фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келиб, натижада ушбу субъектлар томонидан банк кредитларидан фойдаланиш орқали ўз бизнесларини ривожлантиришга янада кўпроқ имкониятлар яратди.

2012 йил мамлакатимизда “Мустаҳкам оила йили”, деб эълон қилиниши муносабати билан, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш жойларни яратиш мақсадида банк тизимида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

биринчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар, шу жумладан микрокредитлар ажратиш механизмлари такомиллаштирилди ва соддалаштирилди. Бунда, оилавий бизнес ва хунармандчиликни ривожлантириш, бошланғич капитални шакллантириш ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш мақсадида узоқ ва ўрта муддатли кредитларни ажратиш механизмлари қайта кўриб чиқилиб, ҳозирги давр талабларига мослаштирилди;

иккинчидан, тижорат банклари томонидан 2012 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан жами 4 трлн. 377 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди, шундан микрокредитлар ҳажми 843 млрд. сўмни ташкил этди.

Ушбу кредитлар биринчи навбатда бошланғич капитални тўлдириш учун ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш мақсадида ўрта ва узоқ муддатларга ажратилди;

учинчидан, 2012 йилда тижорат банклари томонидан оилавий бизнес ва хунармандчиликни ривожлантириш учун кредит маблағларини ажратилишига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу мақсадлар учун банклар томонидан жорий йилда 60 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилди;

тўртинчидан, тижорат банклари томонидан 2012 йилда ёш оилаларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида уларга микрокредитлар ажратиш учун жами 243 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди;

бешинчидан, тижорат банклари томонидан 2012 йилда ажратиладиган кредит маблағларининг 28,3 млрд. сўми касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди;

олтинчидан, тижорат банкларида ташкил этилган Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2012 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 30,0 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилди. Бунда асосий эътибор устувор равишда узоқ ва бориш қийин, шунингдек ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қаратилди;

еттинчидан, тижорат банклари томонидан 2012 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига

хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун жами 336 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Мухтасар қилиб айтганда, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка, хусусан уларнинг модернизациялаш ва технологик янгиланишига молиявий кўмак бериш, замонавий банк хизматлари кўрсатиш кўламини янада кенгайтириш, янги иш ўринлари яратилиши ва аҳолининг бандлиги таъминланишида, ички истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг кўпайишига ва минглаб оилалар даромадлари ортишида муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусийтадбиркорликни ривожлантиришда хорижий инвестициялар кенг жалб этилмоқда. Хусусан, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Германия тараққиёт банки (KfW), Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ва бошқа хорижий инвесторлар томонидан катта миқдорда кредитлар ажратилмоқда.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли “2011-2015 йилларда Республика молия банк тизимини

Мамлакатимизда 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 11,2 фоизга кўп, яъни 10 миллиард 800 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги инвестициялар ўзлаштирилди, бу ялпи ички маҳсулотнинг 23,9 фоизини ташкил этади.

Ислон Каримов


янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорига кўра халқаро молия институтлари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредит линиялари миқдори 2011

йилда 75 миллион АҚШ долларини, 2015 йилга бориб эса 155 миллион АҚШ долларини ташкил этиши мўлжалланган (7-расм).



7-расм. 2011-2015 йилларда халқаро молия институтлари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредитлар миқдори.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги ўрни ҳам аста-секин кенгайиб бормоқда. Унинг мамлакатимиз экспорт ҳажмидаги улуши 2011 йилда 18,8 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 8,6 фоизга кўпдир (8-расм).



8-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспортдаги улуши.

Кичик бизнес субъектларининг асосий экспорт маҳсулотларини кишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, ишлов берувчи, электротехник ишлаб чиқариш маҳсулотлари, халқ амалий санъати буюмлари ташкил этади.

Мамлакатмизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган бир қатор фармонлар ва қарорлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон республикаси Президентининг 2011 йил 11 мартдаги ПҚ – 1501 сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлаш ҳажмларини ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида” ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2011 йил 19 мартдаги 79-сонли “Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнишишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 майдаги ПФ-4192-сонли “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун кулаш ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 мартдаги ПҚ – 1501 сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлаш ҳажмларини ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида” ги Қарорига биноан тадбиркорларга қуйидаги имкониятлар яратилди:

- тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ресурслари ҳисобидан кредит беришдан оладиган даромадлари бўшайдиган маблағларни мазкур жамғарманинг ресурс базасини оширишга мақсадли йўналтириш шарти билан юридик шахслардан олинадиган фойда солиғидан 2016 йилнинг 1 январигача озод қилинди;

- устувор равишда олис ва бориш қийин бўлган туманларда, шунингдек меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларига ажратилади;

- тижорат банкларига кичик тадбиркорлик субъектларига кредит беришда кредитнинг умумий суммасида қарз олувчининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш ҳуқуқи берилди;

- жамғарма ҳисобидан кредитлар энг кам ойлик иш ҳақининг икки минг бараваридан ортиқ бўлмаган суммада ажратилиши белгиланди;

- жамғарма маблағлари ҳисобидан кредитлар маҳсулот етиштириш (тамакичилик ва алкогольли маҳсулот ишлаб чиқаришдан ташқари), ишларни бажариш, хизматлар (савдо соҳаси ва умумий овқатланишдан ташқари) кўрсатиш билан боғлиқ бўлган лойиҳаларга ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4354-сонли Фармонида мувофиқ тадбиркорларга қуйидаги имтиёзлар берилди:

-2011 йил 1 сентябрдан кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисобрақами очганлик учун тўлов ундириш бекор қилинди;

-тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш муддати уч иш кунидан ошмайдиган муддат билан чекланди.

Хулоса қилиб айтганда, 2012 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда янада ривожланишини таъминлаш борасида амалга оширилган устувор вазифалар қуйидагилардан иборатдир:

- жойлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолиятига ҳалал бераётган, тўсқинлик қилаётган ёки қилиши мумкин бўлган муаммоларни мунтазам равишда ўрганиб бориш ва ўз вақтида бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;

- ҳудуддаги бўш ёки самарали фойдаланилмаётган бино ва иншоотлар тўғрисидаги аниқ маълумотларнинг қисқа муддатларда олиниши ҳамда уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тақдим этилиши жараёнларини самарали ташкил этиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳит яратиш борасида ҳар бир ҳудуддаги ўзига хос хусусиятларни аниқлаш ва улардан келиб чиққан ҳолда мавжуд барча имкониятларни сафарбар этиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш йўлидаги ҳар қандай бюрократик тўсиқларни бартараф этиш;

- ҳудудлардаги кичик бизнес субъектларининг энергия, газ, сув ва канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа шу каби муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши жараёнларига эътибор қаратиш ҳамда бу борадаги илғор тажрибаларни қўллаш;

- маҳаллаларда оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича мавжуд имкониятлар ва уларни рўёбга чиқариш йўллари аниқлаш, шу асосда оилавий бизнесни ташкил этишнинг намунавий шакллари тавсия этиш ва қўллаб-қувватлаш;

- ҳудудларда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолият йўналишлари жиҳатидан таркибини такомиллаштириш чора-тадбирларини қўллаш, хусусан, саноат

соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг турли йўл ва чораларини излаб топиш;

- худудлардаги экспортга маҳсулот чиқарувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига аниқ ва таъсирчан ёрдам кўрсатиш орқали уларнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги иштирокини кенгайтириш;

- худудлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларни ички ва ташқи бозорда рақобатлаша оладиган, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни изчил йўлга қўя оладиган мустаҳкам иқтисодий соҳага айланишини таъминлаш лозим.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги иқтисодий фаолият жараёнлари ва унинг натижаларини акс эттирувчи кўрсаткичларда кичик бизнес улушининг юқори бўлишига ҳам боғлиқ эканлиги шубҳасиздир.

Кам харажат ҳисобига янги иш ўринлари яратиш имконияти, йирик бизнес кириб бора олмайдиган бозор сегментларини эгаллай олиш қобилияти, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида ва унча катта бўлмаган маҳаллий ресурс базаларини ўзлаштиришда жуда қулай ташкилий шакл эканлиги кичик бизнесни ривожлантиришнинг аҳамияти беқиёслигини кўрсатади. Шу сабабли ҳам кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласи маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва шунингдек, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари билан чамбарчас боғланган.

Банклар капитали ва депозитларининг юқори суръатларда ўсиши, ўз навбатида, уларнинг иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлашдаги иштирокини фаоллаштиришга, банк активлари ва кредит қўйилмалари ҳажмининг кўпайишига ижобий таъсир қилди.

Республикада банк амалиётида кредитлаш шаклларида кенг фойдаланиш мижозларнинг кредитларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга, банкларнинг кредит операциялари кўламини кенгайтиришга, кредит рискин маълум даражада минималлаштиришга ва ниҳоят, банкларнинг кредит операцияларидан оладиган даромадлари ошишига олиб келди.

Сўнгги 10 йил давомида ички манбалар ҳисобидан мамлакатимиз иқтисодиётининг реал секторини кредитлаш ҳажми 25 баробар ошиб, бу 2010-2011 йилларда кредитлар умумий улушининг тахминан 47-49 фоизини ташкил этди.

Шу билан бирга банк кредит портфелининг тузилмаси ҳам ўзгарди. 2010-2011 йилларгача уларнинг катта қисми ташқи мажбуриятлар ҳисобига шаклланган бўлса, шу йиллардан

Банкларнинг кредит портфели таркиби сифат жиҳатидан тубдан ўзгармоқда. Агар 2000-йилда кредит портфелининг 54 фоизи ташқи қарзлар ҳисобидан шакллантирилган бўлса, 2011-йилда унинг 85,3 фоизи ички манбалар – юридик ва жисмоний шахслар депозитлари ҳисобидан шакллантирилди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётимиз тармоқларига инвестиция киритиш ва шунинг ҳисобидан тараққиётимизни таъминлашда ички имкониятларимиз тобора ортиб бораётганининг далилидир.


Ислом Каримов

бошлаб ички манбалардан бериладиган кредитлар ҳажми кескин ошди. Ташқи қарзлар асосан узоқ муддатга, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинмоқда.

Кредит портфели тўғри ташкил этилиши тижорат банкларининг самарали фаолият юритиши учун асос ҳисобланади. Банкларнинг кредит портфелини кредитнинг риск даражаси, тармоқлар тузилиши, кредитнинг максади, муддати, кредит ҳажми, таъминланганлик шакли, ресурс манбаси ва мулкчилик шакллари бўйича таснифлаш мумкин:

Банк кредит портфели, ўз тузилишига кўра, хилма хилдир. Унда иқтисодиётнинг турли соҳалари қамраб олинган. Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан тақдим этилаётган кредитлар бугунги кунда автомобилсозлик, нефть-газ, кимё, электротехника каби юқори технологияли ва стратегик муҳим тармоқларда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Сўнгги йилларда тижорат банкларининг иқтисодиёт реал секторига йўналтирилган кредитлар миқдори йилдан йилга ўсиб бормоқда. Хусусан, 2011 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 35,6 фоиз ошиб, бугунги кунда уларнинг миқдори 15,6 триллион сўмга етди.



9-расм. Тижорат банклари томонидан берилган кредитлар ва инвестицион кредитлар, миллиард сўм.

9-расм маълумотлардан кўриниб турибдики тижорат банклари томонидан берилган кредитлар сўнгги йилларда фақат ўсиш динамикасига

эга бўлган ва уларнинг 75 фоиздан ортиғини узоқ муддатли кредитлар ташкил этган.

Тижорат банклари томонидан ўтган йили халқаро молия институтларининг 143,4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит линиялари ўзлаштирилди. Ушбу кўрсаткич ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баробар ошди. Мазкур соҳага ажратилган кредитлар ҳисобидан ҳудудларда 291 мингдан ортиқ янги иш ўрини яратилди.

Иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 2011 йилнинг 1 январидан йиллик ҳисобда 14 фоиздан 12 фоизга туширилди ва йил давомида ўзгартирилмасдан сақлаб турилди. Бу эса, ўз навбатида пул бозорида фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келиб, хўжалик юритувчи субъектлар харажатларининг камайиши ва бунинг натижасида уларнинг инвестицион фаоллигини оширишга хизмат қилди. Хусусан, 2010 йил давомида пул бозоридаги операциялар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари йиллик ҳисобда 8,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда ушбу кўрсаткич 8,5 фоизга тенг бўлди.

2011 йил давомида кредитлар бўйича ўртача фоиз ставкаларининг ҳам пасайиши кузатилди. Хусусан, қисқа муддатли (муддати бир йилгача бўлган) кредитлар бўйича фоиз ставкалари йил бошидаги 13,8 фоиздан йил охирига келиб 13,2 фоизга тушди. Узоқ муддатли кредитлар бўйича ўртача фоиз ставкалари 2010 йилда 13 фоизни ташкил қилган бўлса, 2011 йилда 11,8 фоизга пасайди.

Кейинги йилларда тижорат банклари фаолиятининг кенгайиб бориши ўз навбатида улар томонидан берилаётган кредитлар, банклардаги депозитлар ва умумий капитал ҳажмига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Банкларимиз капиталининг етарлилик даражаси 24 фоиздан ошади. Бу эса банклар мониторинги билан шуғулланадиган халқаро Базель қўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлардан қарийб 3 баробар кўпдир.

Банк капиталининг етарлилик даражаси – бу жами капиталнинг рискка тортилган активларга нисбати бўлиб, у халқаро Базель келишувига кўра камида 8% ни ташкил этиши керак.

Халқаро Базель қўмитаси – ривожланган мамлакатлар марказий банклари раҳбарлари томонидан 1974 йилда ташкил этилган ташкилот. Унинг доирасида халқаро банк фаолиятини тартибга солиш муаммолари муҳокама қилинади. 1975 йилда қўмита томонидан Базель келишуви ишлаб чиқилган. Кейинчалик Базель қўмитаси банк фаолияти меъёрлари бўйича халқаро тавсиялар ишлаб чиқа бошлади.

Банк депозитлари – жисмоний ва юридик шахсларнинг банк муассасаларига маълум муддатга ва муддатсиз омонат шаклида қўйилган бўш пул маблағлари.

Умумий активлари мамлакатимиз банк тизимининг 90 фоиздан ортиғини ташкил қиладиган 28 та тижорат банки «Фитч Рейтингс», «Мудис» ва «Стандарт энд Пурс» каби етакчи халқаро рейтинг

компанияларининг «барқарор» деган юқори рейтинг баҳосини олишга муваффақ бўлди.

Банк-молия тизимининг барқарорлиги – банкларнинг ва бошқа молия муассасаларининг ўз мажбуриятлари юзасидан талабларга тўла жавоб бера олиши. Бу ликвидлилик, капиталнинг етарлилиги, активлар сифати, рентабеллик кўрсаткичлари орқали аниқланади.

«Фитч Рейтингс», «Мудис», «Стандарт энд Пурс» халқаро рейтинг компанияси – фаолиятлар, банклар, молиявий институтлар, инвестиция ва акционерлик компанияларининг кредит лаёқатини ўз вақтида ва аниқ баҳолашга йўналтирилган халқаро рейтинг агентликлари.

Ҳозирги кунда банкларнинг умумий активлари аҳоли ва юридик шахслар ҳисобрақамларидаги маблағлар миқдоридан 2 баробардан ҳам ортиқ бўлиб, бу уларнинг тўлиқ ҳимоясини ва тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишини кафолатлайди.

Банк активлари – банкларнинг асосий фаолиятини амалга оширишда фойдаланувчи турли моддий ва молиявий ресурслар мажмуи. Улар асосан банк кредитлари, асосий воситалари, сотиб олган қимматли қоғозлари, инвестициялари, валюта бойликлари кўринишида бўлади.

Банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги банкларнинг ташқи тўловлар бўйича жорий мажбуриятларидан 10 баробар кўпдир. Бошқача айтганда, республикамиз банк тизимининг мустаҳкам ҳимояси яратилган.

Банк тизимининг мустаҳкамланиши ва унга нисбатан аҳоли ишончининг ортиши натижасида омонатлар ҳажми сезиларли равишда ортиб бормоқда.

Банк тизимининг ликвидлиги – банкнинг ўз мажбуриятларини вақтида ва сўзсиз бажара олиш имконияти.

Банклар ликвидлиги – банклар активларининг қисқа муддат ичида пулга айланиш қобилияти. Ликвидлик банк мажбуриятларини бажариш ва активлар ўсишини молиялаш билан биргаликда депозитлар ва қарз маблағлари даражасининг пасайишини самарали бошқаришни ҳам билдиради.

2.2. Умумтаълим мактабларида бизнес, тадбиркорлик ва кредитга оид мавзуларнинг ўқитилиши ва намунавий дарс ишланмалари

Умумтаълим мактабларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласи 9 – синф ўқувчилари учун “Иқтисодий билим асослари” фанида “Тадбиркорлик” ҳамда “Тадбиркорлик фаолияти турлари” мавзуларида ўргатилади. Ушбу мавзудаги дарсларни ўқитишда мактаб ўқитувчиси, энг аввало тадбиркорлик ва унинг асосий хусусиятлари, иқтисодиётда тадбиркорликнинг роли, бизнес – ғоя ва бизнес – режа, тадбиркорлик фаолиятининг турларига тўхталиб ўтиши ва дарс ўтишда замонавий педагогик технологиялардан кенг фойдаланиши зарурдир. Бунда “Ақлий ҳужум”, “Майда гуруҳларда ишлаш”, “Баҳс – мунозара” ва “Чархпалак” каби ўқувчилар фаоллигини оширувчи усулларга таяниб мавзунини тушунтириш дарс самарадорлигини оширади ва юқори натижаларга эришишни таъминлайди. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда умумтаълим мактабларининг 9- синфларида “Тадбиркорлик” ҳамда “Тадбиркорлик фаолияти турлари” мавзусидаги дарслар учун кўйидаги намунавий дарс ишланмаларини тавсия этиш мақсадга мувофиқдир.

Намунавий дарс ишланмалари

1- дарс

Дарс мавзуси: Тадбиркорлик

I. Дарс мақсади:

- Тадбиркорлик ҳақида тушунчага эга бўлиш ва унинг хусусиятларини санай олиш;
- Тадбиркорликнинг бозор иқтисодиётидаги ролини аниқлаш;
- Бизнес ғоя ва бизнес режани тадбиркорлик фаолиятидаги аҳамиятини тушуниб етиш.

II. Дарсда ёритилиши лозим бўлган асосий атама ва тушунчалар:

- тадбиркорлик
- бизнес ғоя

III. Дарс учун зарур жиҳозлар ва маълумот манбалари:

- 9 синф дарслиги.

IV. Дарсинг босқичлари ва вақт тақсимооти:

1	Ташкилий қисм	2 дақиқа
2	Янги мавзуни бошлашга ҳозирлик	5 дақиқа
3	Янги мавзуни ёритиш: а) мунозара б) мустақил иш д) таҳлил қилиш е) ҳулоса	5 дақиқа 10 дақиқа 7 дақиқа 5 дақиқа
4	Янги мавзуни мустаҳкамлаш	5 дақиқа
5	Баҳолаш	3 дақиқа
6	Уйга вазифа	3 дақиқа

V. Дарсинг тафсилотлари:

Дарс тадбиркорликка таъриф бериш билан бошланади:

Тадбиркорлик деганда, кишиларнинг фойда олиш мақсадида, ўз маблағлари, мулки, билими ва имкониятларини ишга солиб товар, хизматлар ишлаб чиқариш фаолияти тушунилади.

Тадбиркорликни ишбилармонлик ёки бизнес деб ҳам аташади. Бундай фаолият билан шуғулланганларни ишбилармонлар, тадбиркорлар ёки бизнесменлар ҳам дейишади. Сўнг ўқувчилар эътибори дарсликдаги расмга қаратилади. Расмда берилган тадбиркорликка ҳос фазилатлар билан таништирилади ва ўқувчиларга қўйидаги савол берилади:

- Расмдаги бўш катакларга тадбиркорликка ҳос яна қандай фазилатларни ёзган бўлар эдингиз? Нега?

Ўқувчиларга ўйлаш ва бош катакларни тўлдириши учун вақт ажратилади, сўнг фикрлари тингланади.

Жавоб: бўш катакларга тадбиркорликка ҳос қўшимча қўйидаги фазилатлар ёзилиши мумкин:

- ташаббускорлик;
- барча иқтисодий масъулиятни зиммага олиб таваккал қилиш;
- ҳалол иш юритиш ва қонунларга риоя қилиш;
- ҳалол рақобатга қатнашиш. Тадбиркор юқоридаги ташаббускорлик ва барча масъулиятни зиммасига олиб таваккал қилиш фазилатларига эга бўлмаса тадбиркорлик қила олмайди. Сабаби шу фазилатлари орқалигина бирор ишга қўл уриши мумкин.

Тадбиркор ҳалол иш юритиш ва қонунларга риоя қилиш, ҳалол рақобатда катнашиш каби қўшимча фазилатларга эга бўлиш, унга риоя қилиш билан давлат, шериклари ҳамда миждозлари олдидаги маждуриятларини ўз вақтида бажаради, улар олдида хурмати, нуфузи ошади.

- юқорида келтирилган тадбиркорликка ҳос фазилатларни муҳимлик даражасига қараб кетма – кет ёзиб чиқинг ва ўз ечимингизни шарҳланг.

Юқоридагиларга тайёргарлик учун 2 дақиқа вақт берилади. Тайёрланиб бўлишгач доскага 2та ўқувчи чиқиб ўз ечимларини ёзади. Билдирилган фикрлар синфдаги ўқувчилар билан ҳамкорликда таҳлил қилинади.

- Тадбиркорликни иқтисодиётдаги роли қандай ?

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик омили табиий, капитал ва меҳнат омиллари билан бир қаторда ишлаб чиқаришнинг асосий омилига айланади.

Тадбиркорлик жамият учун керак, чунки шу фаолият натижасида янги, қўшимча ишчи ўринлари яратилади. Турли – туман товар ва хизматлар ишлаб чиқариш кўпаяди. Натижада истеъмолчи эҳтиёжлари янада тўлароқ қондирилади. Тадбиркорлик истеъмолчи учунгина эмас, давлат учун ҳам фойдали фаолият бўлиб ҳисобланади. Давлат тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш билан, аҳолини иш билан таъминлаш, кенг истеъмол товарлари ва хизматлар ишлаб чиқариш каби вазибаларни маълум маънода ўзидан соқит қилади. Тадбиркорлик фаолиятида олинандиган солиқлар ҳисобидан давлат ҳазинаси бойийди.

- тадбиркорликни нимадан бошлаш керак?

Ўқувчиларга савол берилади ва жавоблар эшитилади.

Тадбиркорлик бизнес ғоядан бошланади. Бизнес ғоя қанчалик тўғри танланганидагина – шунча муваффақиятга эришиш имконияти кўп бўлади. Бизнес ғояни амалга ошириш учун аниқ ҳисоб – китобларга асосланган, пухта ўйланган режа тузилиши лозим.

Бизнес режа – бизнес ғояни амалга ошириш мақсадида бажариш зарур бўлган, ўзаро мувофиқлаштирилган хатти – ҳаракатлар дастуридан

иборат хужжатдир.

Мустаҳкамлаш. Синф 4 гуруҳга ажратилади. Гуруҳларга қўйидаги топшириқ берилади:

- айтайлик, сиз тадбиркорлик билан шуғулланувчи фирма ходимларисиз. Ўз фирмангизга ном қўйинг. Фирмангиз учун бизнес ғоя ишлаб чиқинг. Нима ишлаб чиқарган бўлар эдингиз?. Ўз бизнес ғоянгизни 2 дақиқа давомида асосланг.

Маида гуруҳларда ишлаш учун 3 дақиқа вақт берилади. Тақдимот учун эса 2 дақиқа вақт ажратилади.

Уйга вазифа.

1. Мавзунинг “Билимингизни синаб кўринг!” даги 2,3,4,6,7 – саволлар.

Намунавий дарс ишланмаси

2- дарс

Дарс мавзуси: Тадбиркорлик фаолияти турлари

I. Дарс мақсади:

- иқтисодий фаолиятнинг тадбиркорликка хос турларини билиш;
- ҳар бир тадбиркорлик фаолияти турининг афзаллик ва камчиликларини санаш;

II. Дарсда ёритилиши лозим бўлган асосий атама ва тушунчалар:

- тижорат;
- молиявий тадбиркорлик;
- воситачилик;
- суғурта.

III. Дарс учун зарур жиҳозлар ва маълумот манбалари:

- 9 синф дарслиги.
- шаҳарча харитаси тасвирланган чизма;
- 2.1 чизмада тасвирланган, турли рангли қоғозлардан тайёрланган карточкалар – 5 комплект.

- елим.

IV. Дарсинг босқичлари ва вақт тақсимооти:

1	Ташкилий қисм	2 дақиқа
2	Уйга берилган вазифани текшириш	5 дақиқа
3	Янги мавзунини бошлашга ҳозирлик	3 дақиқа
4	Янги мавзунини ёритиш: а) гуруҳларда ишлаш; б) таҳлил қилиш; е) хулоса.	5 дақиқа 15 дақиқа 7 дақиқа 5 дақиқа
5	Янги мавзунини мустаҳкамлаш	5 дақиқа
6	Баҳолаш	3 дақиқа
7	Уйга вазифа	3 дақиқа

V. Дарсинг тафсилотлари:

Мавзунини ёритиш учун ўқувчилар 5 гуруҳга ажратилади ва гуруҳлар алоҳида – алоҳида жойлаштирилади.

Гуруҳларга тадбиркор фирманинг фаолиятини юритиши учун аввало яхши жой танлаши фирманинг муваффақиятга эришиш давоми эканлиги, жойни нотўғри танласа, иши юришмасдан зарар кўриши, охир оқибат инқирозга юз тутиши тушунтирилади.

- гуруҳлардаги ўқувчиларга ҳар бири кўп тармоқли фирманинг раҳбари эканлиги, шаҳарчада дўкон, новвойхона, АЁҚШ (автомобилларга ёқилғи қўйиш шахобчаси), ошхона, бозор, супермаркет, маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси қурмоқчи эканлиги айтилади.

Доскага шаҳарча харитаси катта қоғозга чизиб қўйилади. Гуруҳларга ушбу харитага асосланиб, ўз фаолиятини ёритишлик учун:

- Нимани шаҳарчани қаерига қурган бўлар эдингиз? - деган савол берилади ва маслаҳатлашиб, фирмасининг шахобчаларини қаерга жойлаштириши мумкинлиги тўғрисида ўз ечимларини қабул қилишга вақт берилади. Гуруҳлар тайёрланаётган вақтда ҳар бир гуруҳ учун ҳар хил шакл ва рангда тайёрлаб келинган 2.1 чизмада тасвирланган карточкалар тарқатилади.



10 - расм.

Ҳар бир гуруҳ галма – галдан, ҳар сафар биттадан, жами 3та карточкаларини харитага жойлаштиради (карточкалар харитага елимланади). Гуруҳлар шаҳарчага ўз шаҳобчаларини жойлаштириб бўлингач, қабул қилган ечимларини муҳимлиги ва даромадлигига қараб изоҳлаб бериши сўралади. Сўнг, гуруҳларга қўйидаги савол берилади:

Шаҳарчада фирмангиз қандай тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда, уларни қандай турларга ажратиш мумкин?

Гуруҳлар ишлаб чиқариш, савдо – сотиқ ёки тижорат фаолиятларини айтиши керак. Бошқа фаолият турлари ҳақида ўқитувчи тушунча беради.

Тадбиркорлик фаолиятининг мазмунидан келиб чиқиб, у қўйидаги турларга ажратилади:

1. **Ишлаб чиқариш.** Ишлаб чиқариш фаолиятига асосланган тадбиркорликда, тадбиркор капитал, меҳнат табиий омилларни биргаликда ҳаракатга келтиради ёки ишлаб чиқариш воситалари – ер, бино ва иншоотлар, асбоб – ускуналар, хом – ашё сотиб олади, ишчи ходимларни ишга ёллайди, ҳар хил товарлар ишлаб чиқаради ҳамда сотади.

2. **Тижорат, савдо – сотиқ.** Тадбиркорликнинг бундай тури билан шуғулланувчилар товарларни сотиб олишади ва истеъмолчи топиб сотишади. Албатта, бу ҳолатда сотиш нархи, харид нархидан юқори бўлади. Натижада тадбиркор фойда кўради. Бизнесни бу тури билан шуғулланувчи тадбиркорлар, қаерда қайси товарлар арзон ва сифатли ишлаб чиқарилишини, бу товарга талаб кўп, нархи баландлигини яхши билиши шарт.
3. **Молиявий тадбиркорлик.** Тадбиркорликнинг бу тури ҳам тижоратга ўхшаб кетади, аммо товар эмас пул ва қимматли қоғозлар олди – сотдиси билан шуғулланади. Пул маблағлари қарзга берилади, чет эл валюталари, акция, вексел ва бошқа қимматли қоғозлар сотиб олинади, сотилади.
4. **Воситачилик.** Воситачилик фаолияти билан шуғулланувчилар сотувчи ва харидор ўртасида воситачилик қилиб, олди – сотди жараёнини тезлаштиради, товар эгасини, истеъмолчи билан учраштириш эвазига ҳақ олади. Воситачилар қаерда, қандай товар, қандай нархда ишлаб чиқарилиши ва сотилиши, кимда шу товарга зарурат борлигини билиши ва бу маълумотни шароитга қараб пуллаши билан боқалардан ажралиб туради.
5. **Суғурта.** Тадбиркорликнинг бундай тури билан шуғулланувчилар, турли хил кутилмаган воқеалар натижасида кўрилган зарарни қоплашга маълум бадал эвазига кафолат беради ва бундай ҳолатлар юз берганда зарарни қоплаш билан шуғулланишади. Ҳозирги вақтда мулк суғуртаси, хаёт суғуртаси, медицина суғуртаси каби суғурта шакллари бор.

- Тадбиркорлик фаолияти турларининг қандай ўзига хос хусусиятлари бор?

Ушбу саволдан дарсни мустаҳкамлашда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Гуруҳларга 2 дақиқадан вақт ажратилади ва фикрлар тингланади.

Уйга вазифа

2. “Билимингизни синаб кўринг!” даги 1,5,6,7,8 – саволлар.

Шунингдек, умумтаълим мактабларида кредитга оид масалалар Давлат таълим стандартига мос равишда иқтисодий таълим бўйича ишлаб

чиқилган дастурда, 9-синфларда “Иқтисодий билим асослари” фанининг 16-мавзуси: “Банк кредити” ва 17-мавзуси: “Давлатнинг пул-кредит сиёсати” деб номланиб, шу мавзулар доирасида ўрганилади. Қуйида ушбу мавзулардан биттасининг намунавий дарс ишланмасини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Намунавий дарс ишланмаси

16-дарс

Дарс мавзуси: Банк кредити

I. Дарс мақсади:

- банкларнинг кредит бериш тамойилларини билиш;
- содда мисолларда кредит фоизи миқдорини топа билиш;

II. Дарсда ёритилиши лозим бўлган асосий атама ва тушунчалар:

- кредит;
- кредит фоизи;
- кредитнинг йиллик фоиз ставкаси.

III. Дарс учун зарур жиҳозлар ва маълумот манбалари:

- 9 синф дарслиги.

IV. Дарснинг босқичлари ва вақт тақсимооти:

1	Ташкилий қисм	3 дақиқа
2	Уйга берилган вазифани текшириш	5 дақиқа
3	Янги мавзуни бошлашга ҳозирлик	6 дақиқа
4	Янги мавзуни ёритиш: а) мустақил ишлаш б) ҳимоя е) хулоса	5 дақиқа 10 дақиқа 6 дақиқа 5 дақиқа
5	Янги мавзуни мустаҳкамлаш	5 дақиқа
6	Баҳолаш	3 дақиқа
7	Уйга вазифа	2 дақиқа

V. Дарснинг тафсилотлари:

Дарс куйидаги таянч атамаларни тушунтириш билан бошланади.

- *Кредит, кредит фоизи, фоиз ставкаси нима?*

Кредит деб, банк томонидан миждозларга берилган қарзга айтилади. Айтайлик, бир фирма ўз бизнес ғоясини амалга ошириш учун пул маблағига муҳтожлик сезяпти.

Шунда фирма ўзига хизмат кўрсатаётган банкка қарз бериб туриши ҳақидамуружаат қилади. Банк билан корхона ўртасида қарз бериш шартлари келишиб олинади ва шартнома тузилади. Шартномада қарзнинг миқдори, қайтариш муддатлари, қарзни ишлатганлиги ҳақи (кредит фоизи) ва қайтарилиш кафолатлари кўрсатилади.

Кредит фоизи, берилган қарздан фойдаланганлик учун тўланадиган қўшимча ҳақдир. Шу берилган қарздан фойдаланганлик учун тўланган қўшимча ҳақнинг асосий қарз миқдорига нисбатан фоиз миқдори кредитнинг йиллик фоиз ставкаси деб аталади.

Масалан, “Али” фирмаси банкдан 100минг сўм қарз олди. Олинган қарз маблағидан бир йил давомида фойдаланганлиги учун банкка хизмат ҳақи сифатида қўшимча 30 минг сўм тўлайдиган бўлди. Бу ҳақ кредит фоизи деб юритилади. Қарздан фойдаланганлик учун тўланадиган 30 минг сўм кредит фоизидир.

Кредит ставкаси бир йил давомида қарзга олинган пулнинг неча фоизи банк хизмат ҳақи сифатида қўшимча равишда бериши кераклигини билдиради ва куйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\text{Қарзнинг йиллик фоиз ставкаси} = \frac{\text{Қарз ҳақи}}{\text{Қарз миқдори}} \times 100\%$$

Бизнинг мисолимиздаги “Али” фирмаси $30000/100000 \times 100 = 30\%$ йиллик ставка билан қарз олган.

Ўқувчилар дарсликдаги расмга асосланган ҳолда куйидаги саволларга ёзма жавоб тайёрлайдилар.

1. Алиев нима сабабдан банкка ўз маблағларини топширяпти? У банк билан ҳамкорлиги натижасида йилга қанча даромад олади, Валиевчи?

2. “Само” фирмаси бу пулни ишлаб чиқаришга солиши натижасида бир йиллик даромади қанчани ташкил қилиши керак? Фирма банкка қанча пул қайтаради?

3. Банк биргина юқорида тасвирланган “ишдан” йилга қанча даромад қилади?

Ўқувчиларга тайёргарлик учун 10 дақиқа вақт берилади. Сўнг 3

нафар ўқувчи бирин-кетин доскага чиқиб, юқоридаги саволларга тайёрлаган жавобларини тушунтиради. Қолган ўқувчилар билан биргаликда саволлар жавоби таҳлил қилинади.

Жавоблар: йил бошида банкка қўйилган ва банкдан олинган маблағлар йил охирида:

1) а) Алиевнинг банкка қўйган маблағи йил охирига бориб,
 $400\ 000:100 \times 25 = 100\ 000$ сўмга ошган.

б) Валиевнинг пули эса, йил охирида банк фоизи ҳисобига

$600\ 000:100 \times 25 = 150\ 000$ сўмга кўпайган.

2) “Само” фирмаси 1000000 сўм пулни йиллий 40% ставка билан олган.

“Само” фирмаси банк пулидан фойдаланганлиги учун

$1000000:100 \times 40 = 400000$ кўшимча фоиз тўлайди.

Демак, “Само” фирмаси йил давомида 400000 сўмдан кам бўлмаган фойдага эришиши лозим. Акс ҳолда, зарар кўради.

3) банк юқоридаги тасвирланган “ишлардан” қанча даромад олганлигини қуйидагича ҳисоблаб чиқамиз:

а) банк “Само” фирмасига кредит беришдан 400000 сўм кредит фоизи кўринишида фойда кўрди.

б) банкка пулини қўйган Алиев билан Валиев эса

$100000 + 150000 = 250000$ сўм тўлаши лозим.

Шундай қилиб, банк юқоридаги “ишлардан” $400000 - 250000 = 150000$ сўм фойда кўрган.

4) бу банк операциясидан ким (Алиев, Валиев, “Само” фирмаси ва банк) кўпроқ манфаат кўрди? Нега? Ким ютқазди?

Тахминий жавоб: бу ерда ким ютқазмайди. Бу пулларни олиб ишлатувчи “Само” фирмаси бўлганлиги учун, фирманинг шу маблағини ишлатишдан олган фойдасини ҳам таҳлил қилиб чиқиши лозим. Умуман олганда “Само” фирмаси ҳам маълум бир фойдани кўзламаса уларнинг пулларини бекордан-бекорга олиб, кўпайтириб бермайди.

5) агарда бу банк операцияси содир бўлмаганда эди, жамият жами неча сўмлик неъматни йўқотган бўлар эди?

Юқоридаги банк операцияси содир бўлмаганда, жамият “Само” фирмаси томонидан яратилган маҳсулотлар қийматига баробар неъматни йўқотган бўлар эди.

Уйга вазифа.

1. “Билимингизни синаб кўринг!” даги 3,4,5,7-саволлар.
2. Машқ.

Машқнинг жавоби:

а) фирманинг бир йиллик кредит фоизи:

$$2000000:100 \times 25 = 500000 \text{ сўмни ташкил этади.}$$

б) 4-йилда кредит фоизи:

$$500000 \times 4 = 2000000 \text{ сўм бўлади.}$$
$$2000000 + 2000000 = 4000000 \text{ сўм. Демак,}$$

в) фирма тўрт йилда олган 2 млн сўм кредитини фоизи ҳисобига 4 млн сўм қилиб қайтаради.

г) агар кредит фоизи мураккаб фоизларда ҳисобланса, фирма банкка

$$P_4 = P \times (1 + p)^4 = 2000000 \times (1 + 0,25)^4 = 2000000 \times 2,44 = 4882812$$

сўм қайтариши лозим бўлади.

3-саволнинг жавоби: кредит олиш ҳамма вақт ҳам фойдали бўлавермайди.

Мижоз кредит олишдан олдин, олинадиган кредит қандай мақсадда ишлатилишини билиши керак. Ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар бозори, бозордаги нарх-наволар ўрганилади. Олинган кредитни тўлаш тартиблари билан танишилгандан сўнг, “Бизнес режа” тайёрланади. Бизнес режада даромадлар ва харажатлар миқдорлари аниқланиб, таққосланади. Олинган фойдадан кредит фоизи тўлангандан кейинги фойда аниқланиб, сўнг кредит олиш бўйича шартномалар тузилади. Аммо қанчалик даражада бизнес режа аниқ тузилишига қарамасдан, баъзи бир омиллар таъсирида кредит олувчи зарар кўриши мумкин. Бунга олинган қарздан мақсадли, оқилона фойдаланмаслик, ишлаб чиқарилган товар ва хизматларга талабнинг пасайиши, бозорда товар нархининг тушиб кетиши, сотиб олинадиган хом ашё нархининг кўтарилиши каби омиллар сабаб бўлади.

4-саволнинг жавоби: пулни бировга қарзга бераётганда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

1. Қарз олган одам, бу пулни қандай мақсадда сарфламоқчи?
2. Олган қарзини вақтида қайтара олиш имконияти борми?
3. Қарз фоизларини келишилган вақтда тўлай оладими?
4. Олган қарзини қайтара олиши кафолатланганми?

Қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасида, олинган қарз қандайдир сабабларга кўра қайтарилмай қолганда, олинган қарзни қандай қилиб, ниманинг эвазига қоплаш мумкинлиги тўғрисида келишиб олишади. Бу

келишувда гаров сифатида ҳовли-жой, бино ва иншоотлар, автомобил, товар ва қимматли қоғозлар қўйилади. Қарз олувчи қарзни тўлай олмаслик ҳолатига тушиб қолган тақдирда, қўйилган гаров, қарз берувчига мулк сифатида ўтказиб берилади.

“Иқтисодий билим асослари” фани мавзуларини ўқишда бундай дарс ишланмаларидан фойдаланиш ва уларни шундай асосда тузиш ўқитувчининг бир соатлик дарсдаги фаолиятини режалаштириш, дарс мазмунини бойитиш, таълим самарадорлигини ошириш имкониятини беради.

ХУЛОСА.

Иқтисодий фаоллик ва мустақилликнинг муҳим шакли бўлмиш тадбиркорлик республикамизда бандликнинг аниқ шаклини ва янги иш жойларини барпо этиш йўлида энг ривожланган давлатлар томонидан кўллаб-қувватланиб келинмоқда. Тадбиркорликнинг давлат томонидан кўллаб-қувватланиши бир неча йиллар мобайнида маслаҳатлар бериш, молиявий ёрдам кўрсатиш ёки солиқлар тўлашда тадбиркорлар учун маълум бир имтиёзлар берилишида акс этмоқда.

Тадбиркорлик шахсий ва ижтимоий фойдаларни кўзлаган ҳолда даромад олиш учун сарфланаётган маблағ билан боғлиқ фаолиятдир. Тадбиркорликка берилган ушбу таъриф батафсиллиги билан ажралиб туради. Бу таърифда тадбиркорлик фақат маълум фаолият билан шуғулланиш эмас, балки бевосита фаолият кўрсатишдан иборатлиги таъкидланган. Тадбиркорликка берилган қатор таърифларда энг муҳим ҳолат, яъни шахсий даромад билан ижтимоий фойданинг яхлитлик хусусияти кўрсатилмаган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тадбиркорликнинг муҳим хусусиятларига қуйидагилар киради:

- хўжалик фаолияти олиб бораётган субъектларнинг мустақиллиги ва эркинлиги. Ҳуқуқий меъёрлар чегарасида ҳар бир тадбиркор у ёки бу масала юзасидан мустақил қарор қабул қилиши мумкин.

- иқтисодий манфаатлилиқ. Тадбиркорликнинг асосий мақсади максимал даражада даромад олишни кўзлаб, жамият тараққиётига ҳам ўз ҳиссасини қўшишдир.

- хўжалик таваккалчилиги ва масъулият. Ҳар қандай ҳисоб-китобда ҳам ноаниқлик ва таваккалчилик бўлиши мумкин.

Иқтисодий жараёнлар қанчалик унумли бўлса, жамият моддий ва маънавий жиҳатдан шунчалик юқори даражада бўлади. Иқтисодий жараёнларнинг самараси амалда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларнинг сони ва сифати ҳамда шу фаолият билан шуғулланмоқчи бўлган кишилар сони билан белгиланади. Бу, ўз навбатида, тадбиркорлик ишига янги тадбиркорларни жалб қилиш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва тадбиркорлик муҳити даражаларига боғлиқдир. Охиргиси тадбиркорлик фаолиятига давлатнинг аралашishi даражасига боғлиқ. Давлат шундай шарт-шароитлар яратиб бериши керакки, унда тадбиркорларнинг ва тадбиркор бўлмоқчи бўлганларнинг қизиқиши, хоҳиши ва интилишлари максимал даражада ўз ифодасини топсин. Жаҳон тажрибаси ҳам иқтисодий жиҳатдан ривожланишга эришган мамлакатларда тадбиркорлик учун барча қулайликлар яратиб берилганлигини кўрсатмоқда.

Бизнесни самарали юритиш унга ташқи муҳитдан аралашини ёқтирмайди. Бизнесни юритишда ташқаридан озгина аралашув бўлса, унинг емирилишига олиб келмаса ҳам тадбиркорлик таркибларининг фаолият кўрсатишига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам давлат иқтисодиёт

учун керакли бўлган барча шарт-шароитларни яратиши ва тадбиркорлар учун кўпроқ эркинлик бериши керак. Шунга асосланган ҳолда иш олиб бораётган Ўзбекистон жаҳон иқтисодиётида ўзининг муносиб ўрнини топмоқда.

Шуларни назарда тутган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов шундай деб таъкидлайди: «Эркин тадбиркорлик учун иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратиш зарур. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун ҳамма йўлни очиб бериш керак. Уларнинг хом ашё ресурсларидан фойдаланишларига кенг йўл очиб бериш, улар ишлаб чиқараётган маҳсулот мамлакатнинг ўзида ҳам, унинг ташқарисида ҳам сотиладиган бозорни кафолатловчи тизимни барпо этиш даркор»⁷.

Мухтасар қилиб айтганда, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка, хусусан уларнинг модернизациялаш ва технологик янгиланишига молиявий кўмак бериш, замонавий банк хизматлари кўрсатиш кўламини янада кенгайтириш, янги иш ўринлари яратилиши ва аҳолининг бандлиги таъминланишида, ички истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг кўпайишига ва минглаб оилалар даромадлари ортишида муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусийтадбиркорликни ривожлантиришда хорижий инвестициялар кенг жалб этилмоқда. Хусусан, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Германия тараққиёт банки (KfW), Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ва бошқа хорижий инвесторлар томонидан катта миқдорда кредитлар ажратилмоқда.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган бир қатор фармонлар ва қарорлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон республикаси Президентининг 2011 йил 11 мартдаги ПҚ – 1501 сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлаш ҳажмларини ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида” ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2011 йил 19 мартдаги 79-сонли “Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнишишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 майдаги ПФ-4192-сонли “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун кулаш ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари қабул қилинди.

⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1999й. 12-бет.

Ишбилармонлик муҳитини таҳлил қилиш жараёнида тадбиркор ҳар бир миллатнинг анъаналари, урф-одатлари, қандай озиқ-овқатларни истеъмол қилиши ва қандай буюмларни кийишини инобатга олиши мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари халқнинг тўлов қобилятини билиш ҳам катта аҳамият касб этади. Ушбу омил истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ташкил қилишда катта рол ўйнайди. Тадбиркор шу омилни ҳар томонлама таҳлил қилишда ўз мамлакатадаги бозор вазиятини ҳамда ушбу маҳсулотни келажакда экспорт қилиш мумкин бўлган қўшни мамлакатлар бозорини ҳам кўриб чиқиши керак.

Тадбиркорлик ғоясини маълум бир муҳитда амалга ошириш мумкинлиги аниқланиб, ишни ташкил этиш бўйича керак бўлган молиявий маблағларни олиш манбаи танлангандан кейин тадбиркор ўз фаолиятини уч йўналишга қаратмоғи лозим.

Биринчи йўналиш – ишлаб чиқариш жараёнлари ва тадбиркорлик таркибларини бошқариш. Тадбиркорлик фаолиятининг ушбу йўналиши менежмент тамойилларининг тури сифатида мустақил ривожланади. Тадбиркор менежментнинг асосий тамойилларини яхши ўзлаштирган бўлиши ва замонавий менежер бўлмоғи лозим.

Ишлаб чиқаришни бошқариш ҳеч қачон тадбиркорнинг бошқа йўналишларидан ажратилган ҳолда олиб борилиши мумкин эмас: у ишлаб чиқаришни фақат истеъмолчилар учун ташкил қилади. Шунинг учун ҳам тадбиркор фаолиятининг **иккинчи йўналиши** бозорни ҳар томонлама ўрганишдир. Бозорда бўлаётган жараёнларни таҳлил қилмасдан туриб тадбиркорлик фаолиятини самарали олиб бориш мумкин эмас.

Шериклар билан бўладиган алоқаларни яхши йўлга қўйиш тадбиркорлик фаолиятининг **учинчи йўналишидир**. Бунда тадбиркорликни янада ривожлантириш йўлида шериклик муносабатларини янги босқичга кўтариш ва эски муносабатлардан воз кечиш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида зикр этилган илмий асослар, тамойиллар Ўзбекистонда тадбиркорлик, унинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган жараёнларни тизимли таҳлил қилиш, башоратлаш ҳамда қарор қабул қилишга асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. - Президент Ислом Каримовнинг 2012 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг яқунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь.

2. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтариладиган йил бўлди Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14 (5434).

3. Барча режа ва дастуримиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2011 йил 26 январь.

4. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

5. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2000 йил 19 майдаги 195-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 мартдаги 79-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 11 мартдаги ПҚ-1501-сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича статистик тўпламлари.

10. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни. – Т.: «Фан ва технология» нашр, 2008. – 314 б.

11. Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В. Ўзбекистон – иқтисодийни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида: Ўқув қўлланма. – Т.: «Иқтисодий» нашр, 2008. – 128 б.